

Х. Р. Тошов, Ш. А. Ачилова, Э. В. Бозорова

ЖАҲОН ГЕОГРАФИЯСИ II



Х. Р. Тошов, Ш. А. Ачилова, Э. В. Бозорова

ЖАҲОН ГЕОГРАФИЯСИ

II ҚИСМ



Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

**Бухоро давлат университети
Ромитан Педагогика КХК
Ғиждувон Қурилиш ва коммунал хўжалик КХК**

Х. Р. Тошов, Ш. А. Ачилова, Э. В. Бозорова

Жаҳон географияси

II қисм

Европа мамлакатлари пойтахтлари

Ўқув-услубий қўлланма

Бухоро – 2016

Ушбу рисола Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланди.

Жаҳон ижтимоий-иқтисодий география фанининг аҳоли географияси бўлимида аҳоли сони, динамикаси, жойлашуви ва урбанизация долзарб мавзулардан саналади. Пойтахт шаҳарлар мазкур масалаларнинг муҳим таркибий қисмидир.

Ўқув-услубий қўлланмада Европа мамлакатлари пойтахтларининг географик ўрни, табиий шароити, аҳолиси, ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари ва тарихи қисқача ёритилди. Уларнинг мазмун-моҳиятида пойтахт шаҳарларнинг тарихий-маданий жиҳатлари мужассамлашган.

Пойтахтларнинг хусусиятларига мос равишда ўқув-услубий қўлланма расмлар билан безатилган, география, тарих фани ўқитувчилари, олий таълимда таҳсил олаётган талабалар, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежларнинг ўқувчилари ҳамда ушбу мавзуга қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Учебного методического пособия «Столицы мира» содержит историко-культурные характеристики о столицах Европы.

Статьи знакомят с географией и историей городов, памятниками архитектуры, достопримечательностями, традициями культурных центров. Книга хорошо иллюстрирована. Пособия предназначен для студентов, школьников, может быть полезен тем, кто собирается в путешествие или интересуется географией, историей, страноведением.

Масъул муҳаррир:

Ш.А.Ҳайитов БухДУ тарих фанлари доктори

Такризчилар:

И.Э. Мирзаева	БухДУ тупроқшунослик ва география кафедраси катта ўқитувчиси
Ч.Ҳ. Жалилова	Ромитан туманидаги 7-сонли мактабнинг география ўқитувчиси
Х.Р.Файзуллаева	Ромитан туманидаги 11-сонли мактабнинг география ўқитувчиси

Ўқув-услубий қўлланма Ромитан Педагогика КХК ҳамда Ғиждувон Қурилиш ва коммунал хўжалик КХК педагогик кенгашлари ҳамда Бухоро давлат университети илмий кенгашининг йиғилиши қарорига асосан чоп этишга тавсия этилди.

Сўз боши

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси билан дунё сиёсий харитасидан муносиб жой олган 150 дан ортиқ мамлакатлар ўртасида сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар ўрнатилган. Хорижий мамлакатларнинг элчихоналари Тошкентда, Ўзбекистоннинг элчихона ва консулхоналари эса жаҳоннинг турли мамлакатлари пойтахтларида очилди. Натижада мамлакатлар ва халқлар орасида сиёсий, ижтимоий-иқтисодий алоқалар кучайди. Бундай ўзгаришлар халқимизнинг жаҳон мамлакатлари тарихи, географияси ва иқтисодиётига бўлган қизиқишларини янада оширди. Айниқса, улар ҳар бир мамлакат ҳаётида муҳим ўрин тутадиган пойтахт шаҳарлари тўғрисидаги маълумотлар орқали хориж мамлакатлари географияси тўғрисида атрофлича билимларга эга бўлишади. Шунинг учун 2015 йилда Осиё мамлакатлари пойтахтларига бағишлаб чоп этилган рисола китобхонлар томонидан катта қизиқиш билан эътироф этилди.

Бугун китобхонлар Европа мамлакатлари пойтахтлари номли рисолада пойтахт шаҳарларнинг географик ўрни, табиати, аҳолиси, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётида тутган ўрнига оид маълумотларга эга бўлишади. Рисолада китобхонлар учун шаҳарларнинг иқлими янада кенг ёритилди.

Рисолани тайёрлашда Россия сайёҳлари ассоциацияси Президенти Ю.А. Сенкевич, Л.М.Ереминаларнинг жаҳон мамлакатларининг пойтахтлари тўғрисидаги мақола ва асарларидан, Ўзбекистон энциклопедиясининг барча жилдларидан фойдаланилди.

Муаллифлар кенг китобхонлар таклиф ва истакларини инобатга олиб, “Жаҳон географияси” 2-қисм. Европа мамлакатлари пойтахтлари рисоласида 40 дан ортиқ мустақил мамлакатларнинг пойтахт шаҳарлари географияси, тарихи тўғрисида маълумотлар тўпладилар. Қўлланмага мазкур шаҳарларнинг географияси, тарихи, ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид маълумотлар, уларнинг рамзи бўлган, халқининг маънавий-маданий мулкига айланган ва уларни ўзида акс эттирувчи табиат ҳамда архитектура ёдгорликларининг расмлари киритилди.

Х.Р.Тошов.

География фанлари номзоди, доцент

Европа мамлакатлари пойтахтларига умумий тавсиф

- **Амстердам** – Нидерландия пойтахти.

Амстел дарёсининг қуйилиш ерида жойлашган. Амстердам мамлакатининг муҳим иқтисодий маркази, аҳолиси сонига кўра энг катта шаҳри, йирик денгиз порти, (юк обороти 20 млн. тоннадан ортиқ). Аҳолиси 813 минг киши (2014 йил; шаҳар атрофи билан 2,3 млн. дан зиёд).

Амстердам шаҳри иқлимнинг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь	Йилли
Ўрталик максимум, °C	14	16	21	27	29	32	32	34	28	25	18	15	3
Ўрталик максимум, °C	5,4	6,0	9,2	12,4	17,1	19,2	21,4	21,8	18,4	14,1	9,2	6,5	13
Ўрталик минимум, °C	0,5	0,2	2,4	4,0	7,8	10,4	12,5	12,3	10,2	7,0	3,9	1,9	6
Ўрталик минимум, °C	-16	-14	-8	-4	-1	3	4	6	2	-1	-7	-14	-
Ҳаддан, мм	62	43	59	41	48	68	66	61	82	85	89	75	7

Манба: «Worldweather.org», weatherbase.com



Амстердам шаҳри.

Схипхол аэропорти халқаро аҳамиятга эга, йирик темир йўл тугуни. Метрополитен қурилган. “Шимолий Венеция” деган ном билан машҳур. Амстел дарёси ва унинг тармоқлари ҳамда уларни туташтириб турган каналлар шаҳарни қисмларга бўлиб юборган. 600 дан ортиқ кўприк мавжуд. Шаҳарнинг қадимги йўллари йирик қозиклар устига қурилган. Шаҳар йилномаларда дастлаб, 1275 йилда тилга олинган. 17 – асрда савдо ва кредит беришнинг жаҳон аҳамиятига молик маркази бўлган. 1795 – 1806 йилларда Батавия Республикасининг, кейинроқ Нидерландия Қироллигининг пойтахти. Амстердамда машинасозлик (кемасозлик, самолётсозлик, электрон асбоблар), нефтни қайта ишлаш, полиграфия, фармацевтика, кимё, озиқ – овқат, ёғочсозлик саноати корхоналари бор. Саноатининг кўп тармоқлари четдан келтирилган хом ашё асосида ишлайди. Амстердам олмосга сайқал бериш ва олмос билан савдо қилиш соҳасида йирик марказ сифатида қадимдан машҳур. Амстердамда Ғарбий Европанинг энг муҳим молия ва банк муассасалари жойлашган, мамлакат маданияти вафанининг асосий маркази. Амстердамда 9-Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтган (1928). 2 та университет, ФА, бир қанча илмий-тадқиқот институтлари, кўпдан – кўп тарихий ва меъморий ёдгорликлири, жумладан черков бинолари (13 – 17 – асрлар), ўнлаб музей (Голландия тасвирий санъат мактаби асарлари тўпланган Давлат расмлар музейи, 1808), Рембранд уйи (1907 йилдан музей), Денгиз музейи, тарих музейи машҳур.

- **Андорра-ла-Велья – Андорра давлатининг пойтахти.**

Шарқий Пиреней тоғлари орасида, Валира дарёси (Эбро ҳавзаси) бўйида 1029 м баландликда жойлашган. Европанинг энг юқори тоғлик пойтахтларидан бири. Аҳолиси 22,3 минг киши (2012). Испанияни Франция билан боғлайдиган автомобиль йўлидаги савдо-транспорт манзили.



Андорра-ла-Велья шаҳри Европанинг туризм марказларидан бири

Озиқ – овқат саноати корхоналари, ГЭС, радиостанция бор. Халқаро миқёсдаги туризм маркази. Эсдалик буюмлари (сувенир) ишлаб чиқарилади. Шаҳар 9 – асрда ташкил топган. Меъморий ёдгорликларидан 1580 йилда қурилган бино (ҳозирги Ҳукумат қароргоҳи) ва черков (11-аср) бор.

- **Афина – Грециянинг пойтахти, Аттика номи (вилояти)нинг маъмурий маркази.**

Афина мамлакатнинг жануби – шарқдаги Аттика ярим оролида жойлашган, Эгей денгизи соҳилида, уч томони тоғ.

Афина шаҳри иқлимнинг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь	к
Мутлоқ максимум, °С	22,1	22,0	28,0	30,4	35,6	39,6	42,0	41,9	37,6	33,8	27,0	22,5	,0

Ўртача максиму м, °С	13,5	13,7	16, 0	19,7	24, 6	29,5	32, 6	32,6	28,5	23,5	18,3	14,7	,3
Ўртача ҳарорат, °С	10,2	10,1	12, 2	15,9	20, 6	25,5	28, 3	28,2	24,3	19,7	15,0	11,7	,5
Ўртача минимум , °С	7,0	6,7	8,4	11,4	15, 6	20,3	23, 0	23,2	19,7	15,8	11,7	8,7	,3
Мутлоқ минимум , °С	-2,9	-4, 2	-1, 8	0,6	8,0	11,5	15, 5	16,0	10,4	5,4	1,4	-1, 8	,2
Ёғин, мм	48	37	47	33	15	6	6	6	22	42	67	69	08
Денгиз сувининг ҳарорати, °С	17	17	16	17	19	22	25	26	25	24	22	19	1

Манба: : Погода и Климат



Афина. Акрополь

Аҳолиси 3,0 млн киши (2011 йил). Афина Пирей ва шаҳар атрофи билан бирга Катта Афинани ташкил қилади. Катта Афинанинг майдони 433,3 км. Аҳолиси 3,7 млн кишидан ортиқ. Афина қадимий шаҳар. Шаҳарнинг вужудга келган вақти аниқ эмас, ривоятларга кўра Афина ўрнида милоддан аввал 16 – 13 – асрларда қишлоқлар бўлган. Милоддан аввал 5 – асрда Афина

иқтисодий, сиёсий ва маданий ривожланишнинг энг юқори поғонаси бўлган. 395 – 1204 йилларда Византия империяси таркибида. 1204 – 1458 йиллар Афина герцоклиги пойтахти, 1458 йилдан турклар тасарруфига ўтган. 1834 йилдан Греция пойтахти. Афина Грециянинг асосий саноат маркази, мамлакатдаги темир йўл, автомобил ва ҳаво йўлларининг йирик тугуни. Халқаро Элиникон аэропорти бор. Афинадан 8 км нарида мамлакатнинг энг йирик порти – Пирей жойлашган. Катта Афина Греция умумий саноат маҳсулотининг 2/3 қисмини беради. Афинадан тўқимачилик, тикувчилик, кўн пойабзал, озиқ – овқат, кимё, нефтни қайта ишлаш, цемент, полиграфия, металлсозлик ва машинасозлик (шу жумладан кемасозлик) саноати корхоналари бор. Гилам мебел, чинни буюмлар ишлаб чиқарилади. Афинада Фанлар академияси (1926), кўплаб олий ўқув юртлари, жумладан Афина университети (1837), бир қанча тарих, археология ва бадиий музейлар (Акрополь, Агора, Византия) бор. Шаҳарнинг асосий қисми Акрополь қояси билан Ликавиттос баландликлари ўртасида бўлиб, ягона меъморий лойиҳа асосида қурилган. Шаҳарнинг энг қадимги қисми милoddан аввал 7- асрда шаклланган. Шаҳарнинг Акрополь атрофидаги қисми меъморий ва археология музейи сифатида сақланмоқда. Афинада Афина давлатининг асосий ёдгорлиги – Акрополь баландлиги 156 м ли қояда жойлашган; Агора, Ареопаг ва Пникс тепаликлари – ижтимоий ва сиёсий ҳаёт марказлари.

- **Белград** – Сербия пойтахти.

Сава дарёси Дунайга қуйиладиган ердаги йирик порт, денгиз сатҳидан 110 м баландликда. Белград Ғарбий Европадан Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига бориладиган йўллар устида. Иқлими мўътадил ва континентал. Январнинг ўртача ҳарорати 2⁰ гача, июлники 22,2⁰. йилига 634 мм ёғин ёғади. Аҳолиси 1,8 млн. киши (2013). Майдони 600км².

Белград шаҳри иқлимининг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь	Йилли
Ўртача максимум, °C	18,4	23,9	25,0	32,4	34,5	36,7	43,6	39,9	37,5	33,7	25,0	20,2	43,6
Ўртача максимум, °C	4,6	6,0	12,4	19,1	23,3	26,8	29,7	29,3	24,1	18,7	12,5	6,2	17,0
Ўртача минимум, °C	-0,1	0,3	4,5	9,6	13,4	17,0	19,0	18,5	14,4	10,0	5,6	1,7	9,0
Ўртача минимум	-12,7	-15,5	-12	0,2	2,5	7,0	11,9	11,0	7,0	-1,4	-3,1	-12,2	-1,0

, °C													
ин, мм	61	61	57	41	71	94	57	76	46	48	52	58	72

Манба: www.weatheronline.co.uk



Белград. Сава дарёси Дунайга қуйилмоқда

Белград тўғрисидаги дастлабки тарихий маълумот милoddан аввал 4 – 3 асрларга тегишли, уни кельтлар Сингидунум деб аташган. Шаҳар қулай географик ўринга эга бўлганлиги сабабли у ўтмишда жуда кўп марта қўлдан – қўлга ўтиб келган. Милoddан аввал 33 йилдан бошлаб, у деярли етти аср давомида Рим империяси тасарруфида бўлиб келган. 9 – асрдан Белград сербча Белград (“Оқ шаҳар”) номи билан маълум; 11 – асрдан Македония подшолиги, сўнгра Византия империяси таркибида. 12 -14 асрлардан

Белград гоҳ Византия тасарруфида, 15 – асрдан шаҳар турклар – Усмонлилар салтанати қўл остида бўлган ва “Дор – ул – Шаҳат”, яъни “Қутлуғ уруш шаҳри” деб аталган. 1806 йил Сербия князлигининг пойтахтига айланди. 1813 – 67 йилларда яна туркия таркибида, 1 – жаҳон уруши йилларида Австрия қўли остида бўлди. Урушдан сўнг (1918йилдан) Серб, хорват ва словенлар қироллиги (1929 йилдан Югославия) нинг пойтахти, 2- жаҳон уруши арафасида Европанинг йирик саноат ва маданият марказларидан бири. Белград 1944 йил 20 октябрда немис фашистларидан озод қилинган. 1945 йилдан ЮХФР, 1963 – 92 йиллардан ЮСФР пойтахти. Белград Сербиянинг энг йирик иқтисодий маркази, муҳим транспорт йўллари тугуни. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Белград ва унинг атрофида кўплаб саноат корхонаси, жумладан металлсозлик, машинасозлик (транспорт ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, электротехника ва моторсозлик), кимё, тўқимачилик (асосан жун газлама), ойнасозлик ва ёғочсозлик, озиқ – овқат, (ун тортиш, гўш консерва, шакар – қанд), полиграфия саноати ва бошқалар бор. Анъанавий ҳунармандчилик ва косибчилик ривожланган. Белград саноат корхоналари асосан Дунай дарёсининг ўнг соҳилида ва шаҳар атрофида жойлашган. Белграднинг тарихий қисмида қадимги ёдгорликлардан ўрта аср Калемагдан қалъси қолдиқлари, Байроқли Жомия масжиди ва шайх Мустафо мақбараси (1690), Доситей Обрадович лицейи (18 – аср ўрталари), князь Любици уйи (1829 – 36) ва бошқалар сақланган. 1892 йилда Сербия Фанлар академияси, 1905 йилда университет ташкил этилган. Белграднинг марказий қисмида 19-аср 2-ярми ва 20-аср бошларида қурилган бинолардан Халқ театри, Эски сарой, Теразие майдони ансамбли ва бошқалар мавжуд. Белградда Халқ музейи (тарих, археология, этнография ёдгорликлари, Югославия ва чет мамлакатлар санъати намуналари), Замонавий санъат музейи, Шаҳар музейи, Амалий санъат музейи, Этнография музейи, Белград шаҳар расмлар галерияси, ҳайвонот боғи бор. Белград шаҳри кўпгина танловлар ғолиби бўлиб, 2020 йилда ўтказиладиган “Европанинг маданият пойтахти” кўригининг асосий даъвогаридир.

- **Берлин** – Германия пойтахти, Федерал маъмурий бирлик- Ерга тенглаштирилган. Берлин майдонида кўра Европа Иттифоқида 5-ўринда, аҳолиси сонига кўра 2-ўринда. Шпре дарёси Хафель дарёсига қуйиладиган ерда. Шимол ва Болтиқ денгизларига чиқариладиган каналлар бўйида. Майдони қарийб 890 км². Шаҳарнинг ғарби ва шарқида кўл кўп. Иқлими мўътадил, сернам; ўртача йиллик ҳарорат 8,4, январнинг ўртача ҳарорати 0⁰- 0,6⁰, июлники 18⁰. бир йилда ўртача 587 мм ёғин ёғади.

Берлин шаҳри иқлимнинг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь	Йилли
Ўртача температура	15,5	18,7	24,	31,3	35,	35,9	38,	37,2	34,2	28,1	20,5	16	38

аксиму м, °С			8		5		1						
ртача аксиму м, °С	3,2	4,5	8,7	14,3	19, 5	22	24, 8	24,2	19,4	13,8	7,5	3,7	13
ртача ирот, °С	0,7	1,5	4,9	9,6	14, 6	17,3	19, 8	19,2	14,9	10	4,9	1,6	9
ртача инимум , °С	-1,8	-1,3	1,5	4,8	9,5	12,5	14, 9	14,5	10,9	6,7	2,5	-0, 7	6
тутлок инимум , °С	-23, 1	-26	-16, 5	-8,1	-4	1,5	6,1	3,5	-1, 5	-9, 7	-16	-20, 5	-
ин, мм	48	38	43	33	56	60	60	59	47	38	45	50	5

Манба: Погода и Климат

Берлин пойтахт бўлгач, аҳолисининг сони четдан кўчиб келганлар ҳисобига тез ўсди, шаҳар чегараси ҳам кенгайди. Берлин аҳолиси қуйидагича ўзгариб борди. 1939 йилда 4,3 млн. киши, 1945 2,8 млн. киши, 2013 йилда 3,4 млн. киши. Агломерациясида 4,4 млн киши яшамокда. Берлин ҳақидаги тарихий малумот 1244 йилга тегишли. У икки аҳоли пунктининг бирлашувидан ташкил топган. 1486 йилдан Брандербург герцоглиги пойтахти бўлган. 17-асрда Франция ва Богемиядан келган қочоқлар ҳисобига аҳолиси тез ўсди. 19 – асрда эса Берлиннинг иқтисодий ривожига муҳим давр ҳисобланади. Ана шу вақтда (1871) у Кайзер империясининг пойтахти ва Европанинг йирик марказларидан бири сифатида шаклланди. Саноат бўйича эса Европада унга тенг шаҳар йўқ эди. Шаҳарда бир қанча халқаро конгресс ва конференциялар ўтказилган. 1945 йилгача Берлин Германиянинг энг йирик фан, маданият ва сиёсий маркази. 1933 – 45 йилларда Берлин гитлерчилар “учинчи рейх”нинг пойтахти. Берлин 2- жаҳон уриши якунида совет қўшинлари томонидан ўраб олиниб, қаттиқ бомбардимон қилинди ва тўплардан ўққа тутилгач, 1945 йил 2 майда тўлиқ эгалланди. Урушдан кейин иттифоқчилар Берлинни 4 оккупация секторига Совет, АҚШ, Англия ва Франция секторларига бўлишди. Кейинчалик иттифоқчилар ўртасидаги юз берган келишмовчиликлар сабабли Германия каби Берлин ҳам 2 қисмга – Шарқий ва Ғарбий Берлинга бўлинди ва ГДР аҳолисининг оммавий равишда Ғарбга ўтишини тўхтатиш мақсадида 1961 йилда “Берлин девори” (Шарқий Германия ва Ғарбий Берлин ўртасида умумий узунлиги 12 км, жумладан, шаҳар доирасида 45 км бўлган тўсиқ иншоотлар тизими) қурилди. 70 – йиллар бошида вазият бир мунча юмшади. 1989 йил 9 – ноябрдаги сиёсий ўзгаришлар туфайли Берлин девори олиб ташланди, сўнгра ГДР (Шарқий Германия) қўшилиши ҳақида махсус шартнома имзоланди ва у 1990 йил 3 октябрдан кучга кирди ва бирлашган Германиянинг федерал пойтахти статуси Бонн ш.дан Берлинга ўтди. Берлиннинг сиёсий мавқеи ошиши билан унинг иқтисоди ҳам тез ривожланган. Кимё – фармацевтика,

полиграфия, оптика, тикувчилик, озиқ – овқат, қурилиш материаллари, машинасозлик (электротехника, электр приборлари ишлаб чиқариш, умумий ва транспорт машинасозлиги) саноати корхоналари мавжуд.

Берлин фақат Германиянинг иқтисодий маркази бўлибгина қолмай, балки Европанинг йирик саноат марказларидан биридир. Берлинда йирик банк ва кредит муассасалари жойлашган.



Берлин метрополитени

Берлин мамлакатнинг энг йирик транспорт йўллари тугуни, бир неча вокзал ва аэропортлар бор. Шаҳарда кўплаб замонавий савдо- сотиқ бинолари, сарой, уй-жойлар ва бошқа бинолар барпо этилган. Метрополитен қурилган. ФА, А. Гумбольдт номидаги университет (1809) ва махсус ўқув юртлари мавжуд. Маданий – маиший муассасалар; театрлар, музейлар, (уларда бадиий осори атиқалар тўпланган), кутубхоналар, миллий галерия каби йирик бинолар жуда кўп. Ҳайвонот боғлари бор. 11- Олимпиада ўйинлари (1936) бўлиб ўтган. Германия ўқув юртлари билан Бухоро давлат университети ўртасида илмий ҳамкорликлар ўрнатилган.



Германия элчиси Н. Хёфер-Виссинг ва университет ректори А.Тўлаганов талабалар турар жойи билан танишмоқда. 2014 йил.

- Берн – Швейцария пойтахти.

Берн кантонининг маъмурий маркази. Мамлакатнинг марказий қисмида, Аре дарёсининг ҳар икки соҳилида жойлашган.

Берн шаҳри иқлимининг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь	Йилли
Ўртача максимум, °C	2,2	4,6	8,5	12,6	17,2	20,6	23,5	22,7	19,4	13,7	7,1	3	2
Ўртача ҳарорат, °C	-1,2	0,5	3,7	7,3	11,5	14,9	17,3	16,4	13,3	8,6	3,1	-0,3	-1
Ўртача минимум, °C	-3,7	-2,4	-0,1	3	6,9	10,1	12,1	11,7	9	5,3	0,5	-2,6	4
Ҳампа, мм	66	58	70	84	108	121	104	113	84	73	81	67	10

Манба: Average Values-Table



Берн. Аре дарёси

Аҳолиси 140 минг киши, шаҳар атрофи билан биргаликда 353 минг киши (2013), кўпчилиги немис тилида сўзлашади. Бернга 1191 йил асос солинган. 1353 йил Швейцария конфедерациясига қўшилди. 1848 йилдан Швейцария пойтахти.

Берн асосан маъмурий шаҳар. Электротехника ва аниқ машинасозлик, станоксозлик, электротехника, ёғочсозлик, тўқимачилик, озиқ-овқат, полиграфия, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати ривожланган. Муҳим транспорт йўллар тугуни. Халқаро аэропорт бор. Бернда бир қанча халқаро ташкилотларнинг марказий органлари жойлашган. Университет, театр, музей ва кутубхоналар бор. Берн – туризм марказларидан бири. Берн мамлакатнинг бошқа шаҳарлари каби молия-банк фаолияти бўйича дунё аҳамиятига эга

- **Братислава** – Словакия Республикасининг пойтахти.

Австрия ва Венгрия чегарасига яқин жойдаги шаҳар. Мамлакатнинг йирик иқтисодий ва маданий маркази. Аҳолиси 462 минг киши (2013).

Братислава иккита мамлакат – Австрия ва Венгрия билан чегарадош бўлган дунёдаги пойтахт шаҳар.

Иқлими континентал. Ўртача йиллик ҳарорат +10,5 °С, йиллик ёғин 565 мм. Январнинг ўртача ҳарорати – 0,4 °С, июлда эса 21,3 °С. Қиш совуқ ва сернам. Ёз иссиқ, вақт-вақти билан кучли шамоллар эсади.

Братислава шаҳри иқлимнинг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь	Йиллик
Ўртача максимум, °С	19,8	19,1	25,0	30,3	33,4	36,3	38,2	39,3	34,0	30,0	21,3	17,9	39,3
Ўртача максимум, °С	2,7	5,1	10,3	16,7	21,8	24,9	27,5	27,0	21,7	15,6	8,2	3,3	15,6
Ўртача ҳарорат, °С	–0,4	1,2	5,5	11,0	16,0	19,1	21,3	20,7	15,9	10,4	4,9	0,7	10,4
Ўртача минимум, °С	–3,4	–2,3	1,3	5,4	10,2	13,4	15,4	15,0	11,0	6,1	1,8	–1,9	6,1
Ўртача минимум, °С	–24,6	–20	–15,1	–4,4	–2	3,0	7,0	5,0	–2	–8	–12	–20	–2,6
Ҳаддан зиёд, мм	39	37	38	34	55	57	53	59	55	38	54	46	50

Манба: Погода и Климат



Братислава. Дунай дарёсидаги “ Янги кўприк”

Австрия ва Венгрия чегарасига яқин жойдаги шаҳар. Мамлакатнинг йирик иқтисодий ва маданий маркази. Аҳолиси 462 минг киши (2013). Братислава 10- аср бошларида Буюк моравия князлигидаги қалъа сифатида тилга олинади. Бу князликни венгерлар тор-мор этган (907), Братислава Пожонь номи билан Венгрияга қўшилди. Ўрта асрларда эса немислар қўлига ўтиб, Пресбург деб номланган. 1536 йилда габсбургларнинг Венгриядаги марказига айланди. 1541- 1784 йилларда Братислава Венгрия қироллиги пойтахти, 18-аср охиридан Словакия миллий озодлик ҳаракатлари маркази бўлган. 1918 йилда Чехославакия ташкил топгандан сўнг, Словакия Республикаси пойтахти. Братислава транспорт йўллари тугуни. Дунай бўйидаги йирик портлардан. Аниқ машинасозлик ва станоксозлик, электротехника, ёғочсозлик, тўқимачилик, озиқ-овқат, полиграфия, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати ривожланган. Кимё ва нефт кимёси саноати маркази. Словакия ФА (1953), Словакия музейи, университет, политехника институтлари бор. Меъморий ёдгорликлардан готика услубидаги собор (1221), Михайлов дарвозаси (14-18-асрлар) ва бошқалар сақланган.

- **Брюссель** – Бельгия пойтахти.

Брюссель Брабант провинциясининг маъмурий маркази. Сена дарёси бўйидаги шаҳар.

Манбаларда Брюссель сўзи қадимги нидерландча bruos – ботқоқлик ва sella – аҳоли яшаш жойи деган маънони англатиши ёки “ботқоқликдаги қишлоқ” деб қайд этилган.

Брюссель шаҳри иқлимнинг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткич	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь	Йилли
Ўрта оқсими, °C	15,3	20	24,2	28,7	34,1	38,8	37,1	36,5	34,9	27,8	20,4	16,7	38
Ўрта оқсими, °C	5,6	6,5	9,9	13,1	17,7	20	22,3	22,4	18,7	14,4	9,1	6,5	13
Ўрта оқсими, °C	3,2	3,6	6,5	9	13,3	15,8	18	18	14,8	11	6,5	4,3	10
Ўрта оқсими, °C	0,8	0,6	3	4,9	8,9	11,6	13,7	13,4	10,9	7,6	3,7	2	6
Ўрта оқсими, °C	-21,1	-18,3	-13,6	-5,7	-2,2	0,3	4,4	3,9	0	-6,8	-12,8	-17,7	-2
Ҳад, мм	71,1	52,7	72,9	53,7	69,3	77,5	68,9	63,6	62,3	68,1	79,1	78,8	81

Манба: Погода и Климат

Аҳолиси 148 минг киши. Брюссель агломерациясида 1,8 млн киши яшамоқда (2013). Асосан фламанд ва валлонлар, кўпчилиги католик. Брюссель XI аср йилномаларида илк бор тилга олинади. Лувен графлари қароргоҳи бўлган. XII асрдан Брабант тарихий вилоятининг асосий иқтисодий маркази, кейинчалик Фландрия ва Бургундиянинг маркази. XV асрда Нидерландия таркибида Габсбурглар ҳукмронлигига ўтган. 1585 йил мартда шаҳарни испанлар истило этган. 1714 йил Брюссель Бельгиянинг барча ҳудуди билан Австрияга қўшиб олинди. 1815 – 30 йилларда Нидерландия қироллиги таркибида бўлган. 1830 йилдан Брюссель Бельгия пойтахти. 1914 – 1918 ва 1940 – 44 йилларда Брюсселни Германия қўшинлари оккупация қилган. 1944 йил сентябрда Америка-Англия қўшинлари Брюсселни озод қилди.

Брюсселнинг географик ўрни кулай бўлганлиги сабабли кўпгина халқаро ташкилотларнинг марказлари жойлашган. Жумладан, 1967 йилдан Брюсселда Европа Иқтисодий Кенгаши ва Бенилюкс марказий органи, НАТО кенгаши ва унинг Европадаги бирлашган қуроли кучлари олий бош қўмондонлигининг бош штаб квартираси фаолият олиб бормоқда.

Брюссель – мамлакатнинг энг катта шаҳри, асосий саноат ва молия маркази, муҳим транспорт йўллари тугуни. Шаҳарга 10 дан ортиқ темир йўл тармоғи кирган. Халқаро аэропорт бор. Брюссель каналлар орқали мамлакатнинг йирик денгиз порти – Антверпен ва саноат маркази – Шарлеруа билан боғланган. Брюсселда машинасозлик (транспорт машинасозлиги, электротехника ва айниқса аниқ приборлар ишлаб чиқарилади), кимё, фармацевтика, озиқ-овқат, полиграфия, мебель саноати, ҳунармандчилик (гилам тўқиш, заргарлик буюмлари ва бошқалар ишлаб чиқарилади) ривожланган. Саноат корхоналари, асосан Сена дарёси бўйида жойлашган. Шаҳарда хизмат кўрсатиш тармоқлари ривожланган. 2000 дан ортиқ озиқ-овқат савдоси билан хизмат қилувчи шаҳобчалар бор. Аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажми 59 минг евро бўлиб, бу соҳада Люксембург ва Лондон шаҳарларидан кейин учинчи ўринда туради.



Брюссель шаҳри

Брюссель шаҳрида Қироллик Академияси (1772), университет (1834), Лувен католик университети, география институти ва бошқа олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот институтлари, обсерватория (1827) ботаника боғи, санъат академияси, қироллик кутубхонаси, (1837), музейлар, театрлар бор. Брюсселда Бутунжаҳон саноат кўргазмалари бор.

- **Будапешт** – Венгрия пойтахти.

Пешт медъесининг маъмурий маркази. Мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий ва маъданий маркази. Ўрта Дунай пасттекислигида, Дунай дарёсининг ҳар икки соҳилида жойлашган. Энг баланд нуқтаси Янош тоғи бўлиб, 527 м. Геологик жиҳатдан ер ёриғида жойлашгани сабабли, кўп сонли термал манбаларга бой, улар асосида мамлакатдаги соғломлаштирувчи курортлар барпо этилган.



Будапешт шаҳри. “Қаҳрамонлар майдони”

Будапешт шаҳри иқлимнинг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь	Йилли
Ўрта оқсимум, °C	17,7	18,8	25,0	30,7	33,5	36,3	40,7	39,4	34,4	29,0	20,4	19,3	40
Ўрта оқсимум, °C	2,6	5,0	10,6	17,1	22,4	25,3	27,9	27,4	22,1	16,1	8,5	3,2	15
Ўрта оқсимум, °C	-0,4	1,4	6,0	11,8	16,8	19,8	22,0	21,5	16,6	11,1	5,1	0,5	11
Ўрта оқсимум, °C	-2,9	-1,7	2,1	6,8	11,5	14,5	16,4	16,0	11,8	7,1	2,3	-1,6	6
Ўрта оқсимум	-22,2	-18,6	-14,8	-3,6	0,0	3,9	8,3	6,0	0,0	-6,5	-13,4	-17,3	-2

, °C													
ин, мм	35	28	33	40	59	70	51	56	43	36	50	41	5.

Манба: Погода и Климат

аҳолиси 2 млн. Кишидан зиёд. Будапешт 1872 йилда тарихдан ташкил топган 3 қисм; Буда, Обуда ва Пештнинг бирлашишидан пайдо бўлган. Манбаларда Буда ва Пешт 1148 йилдан тилга олинади. Қадимда бу ерларда кельтлар жойлашган. 1-4 асрларда Римга қарам бўлган. Венгерлар келган пайтда (тахминан 895 йил) Пештда славян қишлоқлари бор эди. 11-13 асрларда Пешт муҳим савдо маркази. 1241 йилда Буда Венгер қиролларининг доимий қороргоҳи. 1541 – 1686 йиллари турклар тассаруфида бўлган. 18 – аср бошида ҳар 3 шаҳар габсбургларга ўтди буда ва Пешт 1848 – 49 йилларда Венгрияда бўлиб ўтган ғалаёнларининг муҳим марказидан бўлган. Австрия – Венгрия ташкил этилганидан сўнг(1867) Будапешт – Венгрия пойтахти. 1944 йил мартда немис кўшинлари Будапештни босиб олди. 1945 йил 13 февралда улардан озод қилинди.

Будапештда мамлакат саноат маҳсулотининг ярмига яқини ишлаб чиқарилади. Саноатининг асосий тармоғи – машинасозлик , транспорт (“Гнанц- Маваг”, “Икарус”) ва электротехника машиналари, станоксозлик, қишлоқ хўжалиги машиналари ишлаб чиқарилади; тўқимачилик (асосан, ип газлама), кимё, фармацевтика, озиқ- овқат, полиграфия саноати ҳам яхши ривожланган. Будапешт Халқаро темир йўллар магистраллари, йрик автомобил, сув ва ҳаво йўллари ўтган. Будапештда Дунай бўйидаги йирик порт, халқаро аэропорт бор. Венгрия ФА (1825 йилдан), университет, (1635), политехника, педагогика, тиббиёт ин- тлари, кўплаб театр (жумладан 1840 йилдан ишлаётган Миллий театр), Миллий музей (1802) ва бошқа музейлар, кутубхоналар, метрополитен бор. Дарёнинг паст, сўл соҳилидаги Пешт ва баланд ўнг соҳилидаги Буда шаҳарлари Дунай дарёсига қурилган панжародор кўприклар орқали боғланган. Пештда Будапештнинг энг йирик илмий, маъданий муассасалари, меъморий ансамбллари жойлашган, кенг кўчалар, замонавий бинолар кўп.

Будапештнинг тарихий ядроси бўлмиш – Будада римликлар қороргоҳи бўлган Аквинк харобалари (1-4-асрлар), готика (13-15 асрлар), қирол саройи (13-18 асрлар) ва бошқалар сақланган.

• Бухарест – Руминия пойтахти.

Мустақил маъмурий бирлик. Мамлакатнинг жанубида Қуйи Дунай паст текислигида, Дунай чап ирмоғи бўлган Димбовитца дарёси бўйида жойлашган. Иқлими мўътадил-континентал, ёзи нисбатан иссиқ, ўзгарувчан ва юмшоқ қиш хос.

Бухарест шаҳри иқлимнинг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткич	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь	Йилли
Ўрта оқим, °C	17,1	22,6	27,0	32,2	35,0	39,0	41,2	40,7	37,2	35,0	25,1	18,4	41
Ўрта оқим, °C	1,5	4,1	10,5	18,0	23,3	26,8	28,8	28,5	24,6	18,0	10,0	3,8	16
Ўрта оқим, °C	-1,5	0,3	5,2	11,2	16,7	20,5	22,3	21,6	17,3	11,1	4,4	0,1	10
Ўрта оқим, °C	-5,5	-3,3	0,3	5,6	10,5	14,0	15,6	15,0	11,1	5,7	1,6	-2,6	5
Ўрта оқим, °C	-24,8	-26,1	-19,9	-7	-1,1	1,6	7,0	5,0	-3	-8	-18,8	-25,6	-2
Ҳаёт, мм	40	36	38	46	70	77	64	58	42	32	49	43	59

Манба: Погода и Климат

Аҳолиси 1,9 млн. киши (2013). Шаҳар ҳозирги номи билан 14-асрдан маълум. 1659 йилдан Валахия, 1861 йилдан Руминия пойтахти. 1941 йил июнда Бухарестни немис – фашист кўшинлари эгаллаган. 1944 йилда немислардан озод этилди. Бухарест Руминиянинг энг йирик шаҳри, иқтисодий ва маъданий маркази. Йирик транспорт йўллари тугуни – трансевропа магистраллари чорраҳасида. Халқаро аэропорт бор. Бухарест мамлакатда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда салмоқли ўрин тутади. Бухарестнинг асосий саноат тармоқлари; машинасозлик, металлсозлик, электротехника, озиқ-овқат, тўқимачилик тикувчилик, кимё, кўн пойабзал, ойна – шиша, чинни – фаянс, полиграфия, рангли ва қора металлургия, ёғочсозлик.



Бухарест шаҳри.

Бухарестда Руминия ФА нинг бўлимлари ва унинг илмий-тадқиқот институтлари ва бошқа ўқув юртлари ишлаб турибди. Европа мамлакатларида машҳур бўлаган консерватория, кутубхоналар, музейлар, теартлар, Атенеум концерт зали (19 – аср) ва бошқа маъданий – маориф муассасалари бор. Шаҳарнинг асосий қисми Димбровица дарёсининг баланд сўл соҳилида. У ерда муҳим маъмурий, савдо ва маъданий муассалар жойлашган. Метрополитен қурилган. Бухарест ва унинг атрофида боғлар, меъморий ва археология ёдгорликлари кўп. 16-18 асрларга оид монастырь ва черковлар (Михай – Водэ, Патриарх, Крецулеску) сақланган.

- **Вадуц** – Лихтенштейн князлигининг пойтахти. Рейн дарёсининг ўнг соҳилида жойлашган.

Вадуц шаҳри иқлимининг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь	Йиллик
Ўртача	3,6	5,6	10,	13,8	18,	20,9	23,	22,3	19,5	14,7	8,5	4,4	13

аксиму м, °С			1		4		0						
ртача нимум , °С	-3,5	-2	1,2	4,0	8,0	10,9	12,7	12,6	10,0	5,7	1,0	-2,6	4
ин, мм	45	44	46	58	84	112	124	127	87	55	58	51	8

Манба: Погода и Климат.

Аҳолиси 5,1 мингдан зиёд киши (2009). Вадуц Мамлакатнинг савдо-молия маркази. Шаҳарда майда саноат корхонаси кўп; саноат маҳсулотининг деярли ҳаммаси четга чиқарилади.



15-расм. Вадуц кўргони

Вадуц ва унинг атрофида аниқ машинасозлик, асбобсозлик, самолётсозлик, ракетасозлик, саноати учун деталлар тайёрловчи корхоналар, Европадаги энг катта “Неолица” сунъий (чинни) тиш фабрикаси бор. Ҳунармандчилик ривожланган. Вадуц Да йирик банк, коллеж, музейлар, почта марказлари бозори, меъморий ёдгорликлардан 9- асрда қурилган қалъа бор. Туризм ривожланган. Шаҳар 1342 йилда вужудга келган.

- **Валлетта** – Мальта давлати пойтахти.

Валлетта Ўрта денгизидаги Мальта оролининг шимоли-шарқий соҳилидаги қоядан иборат ярим оролда жойлашган. Рицар Жан Паризо де ла Валлетта шарафига унинг номи билан аталади.

Валлетта шаҳри иқлимининг асосий кўрсаткичлари

кўрсаткич ар	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь	Йилли
Ўрта аксиму м, °С	22,2	26,7	33,5	29,1	35,3	40,1	42,7	43,8	37,4	34,5	28,2	23,9	43
Ўрта аксиму	15,5	15,5	17,2	19,7	24,0	28,4	31,4	31,6	28,4	24,9	20,5	17,0	22

м, °С													
Средняя температура, °С	12,6	12,4	13,7	15,9	19,6	23,7	26,5	27,0	24,5	21,4	17,5	14,2	19,5
Средняя температура минимум, °С	10,5	10,1	10,9	12,7	15,6	19,1	21,5	22,3	20,6	18,1	14,8	12,0	15,5
Гуток минимум, °С	1,0	0,6	1,4	4,4	7,0	11,0	15,0	13,0	12,8	8,0	6,0	3,7	0,5
Вин, мм	89,0	61,3	40,9	22,5	6,6	3,2	0,4	7,0	40,4	89,7	80,0	112,3	55,5
Суммарная температура, °С	14,5	14,5	14,5	16,1	18,4	21,1	24,5	25,6	25,0	22,2	19,5	16,7	19,5

Манба: Погода и Климат



Валлетта қўрғони деворлари

Иқлими ўрта денгизга хос, ёзи иссиқ ва қуруқ, қиши илиқ ва серёмғир (энг паст ҳарорат 4^0 ; энг юқори ҳарорат 36^0). Йилига 500 мм ёғин ёғади. Аҳолиси 9 мингдан зиёд киши (2009). Денгиз порти. Халқаро аэропорт бор. Кемасозлик, кема верфи, озиқ-овқат, тўқимачилик, тикувчилик, кўн пойабзал саноати корхоналари мавжуд. Балиқ овланади. Университет (1762), музейлар, миллий кутубхона, театр бор. 16-18 асрларга оид меъморий ёдгорликлар сақланган. Шаҳарга 1566 йилда асос солинган.

- **Варшава** – Польша республикасининг пойтахти.

Варшава воеводаллигининг маъмурий маркази. Шаҳарга 1339 йилда асос солинган. 1596 йилдан бошлаб расмий пойтахт бўлган.

Шаҳар номининг келиб чиқиши тўғрисида кўплаб фаразлар бор. Айрим манбаларда ботир, қўрқмас рицар Варшу шарафига қўйилган дейилган.

Мамлакатнинг энг катта шаҳри, сиёсий иқтисодий, маъданий ва илмий маркази. Висланинг ҳар икки соҳилида жойлашган. Иқлими мўътадил континентал, ўртача йиллик ёғин 558 мм; январнинг ўртача ҳарорати $-3,5^{\circ}$, июлники 19° . Айрим йиллар энг совуқ ҳарорат -15° гача тушади.

Варшава шаҳри иқлимнинг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткич	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь	Йилли
Ўртача максимум, $^{\circ}\text{C}$	13,0	17,0	22,0	30,4	32,8	35,1	35,9	36,0	31,1	25,0	18,9	15,0	36,0
Ўртача максимум, $^{\circ}\text{C}$	0,6	1,9	6,6	13,6	19,5	21,9	24,4	23,9	18,4	12,7	5,9	1,6	12,0
Ўртача ҳарорат, $^{\circ}\text{C}$	-1,8	-0,6	2,8	8,7	14,2	17,0	19,2	18,3	13,5	8,5	3,3	-0,7	8,0
Ўртача минимум, $^{\circ}\text{C}$	-4,2	-3,6	-0,6	3,9	8,9	11,8	13,9	13,1	9,1	4,8	0,6	-3	4,0
Ўртача минимум, $^{\circ}\text{C}$	-31	-27,2	-22,2	-7,2	-2,8	1,6	5,0	3,0	-2	-9,6	-17	-22,8	-1,0
Ҳаётин, мм	27	26	31	34	56	69	73	64	46	32	37	34	51

Манба: Погода и Климат



18-расм. Варшава шаҳри

Аҳолиси 1,8 млн. Киши (2013). Шаҳар 8 та маъмурий районга бўлинган. Варшава тарихий манбаларда 13-асрдан бошлаб тилга олинади. 15 -16 асрларда Мазовецкий князлиги, 16-аср охири – 19 – аср бошларигача бутун Польша пойтахти, 1807 – 13 йиллар Варшава князлиги, Вена конгресси (1814-15) қарорига мувофиқ, Варшава Россия таркибига кирган Польша қироллигининг пойтахти. 19-аср охирида йирик саноат шаҳри. 1915 -18 йилларда Варшавани Германия қўшинлари босиб олди. 1918 йил кузидан мустақил Польша давлатининг пойтахти. 1939 йил сентябрда Варшавани немис қўшинлари эгаллади. 1945 йил 17 – январда Варшава улардан озод қилинди. Ўша вақтдан бошлаб шаҳарни тиклаш ишлари бошланиб кетди.

Қайта тиклаш ишлари бутун дунё миқёсидаги рамзи сифатида Варшавага жаҳон Фахрий мукофоти берилган (1950). 1955 йилда Варшавада тарихий Варшава шартномаси имзоланди. Варшава мамлақатидаги транспорт йўлларининг йирик тугуни ва муҳим саноат маркази. Шаҳардан 9 темир йўл ва 9 автомобил йўли чиқади. 2 дарё порти ва Окенце халқаро аэропорти бор. Машинасозлик ва металлсозлик (авто қурилиш, электротехника ва бошқалар), металлургия, кимё полиграфия, тикувчилик ва озиқ-овқат саноати тармоқлари ривожланган. Варшавада 15 олий ўқув юрти, жумладан университет (1918 йилдан), политехника институти (1915), иқтисод ва қишлоқ хўжалиги олий ўқув мактаби жойлашган; консерватория, Польша ФА, мед., нафис санъат ва жисмоний тарбия академиялари бор. Кўплаб кутубхона, 20 дан зиёд музей, театрларидан Катта театр, Халқ театр мавжуд. Меъморий ёдгорликлардан готика услубидаги Ян собори (14-аср), Қаср майдонидаги (1643) Сигизмунд 3 устунлари (1644), Красиньскийларнинг собиқ саройи (17-аср), Вилянув (17-аср) ва Лазенки (18-аср) боғ сарой ансамбллари ва бошқалар сақланган.

Варшава шаҳридаги хиёбонда буюк поляк астрономи, гелиоцентрик назария асосчиси Николай Коперникнинг қўлида глобусни ушлаб турган ҳайкали ўрнатилган.

- **Ватикан** (Vaticano, Stato della Citta del Vaticano) – мустақил шаҳар давлат.

Ватикан Италия пойтахти – Римнинг ғарбий қисмидаги Монте-Ватикан тепалигида жойлашган. Католик черковининг сиёсий, маъмурий ва мафкуравий маркази, унинг бошлиғи – Рим папаси қароргоҳи. Қарийб ҳамма томондан тош девор билан ўралган. Майдони 0, 44 км², доимий аҳолиси 1 минг кишига яқин (840 киши Ватикан фуқароси. 2014 й.). Илк ўрта аср даврида Ватикан Рим папаларининг турар жойи, 1377 йилдан бошлаб эса доимий қароргоҳи. VIII асрдан черков давлати сифатида мавжуд. 1870 йилда Италия бирлашиши муносабати билан Италия қироллиги таркибига қўшиб олинган. 1929 йилда папа билан Латеран битими натижасида Ватикан давлати қайта тикланди ва 1929 йилда 11 февралда мустақил давлат сифатида тан олинди. Католик черковининг халқаро маркази сифатида Ватикан дунёнинг кўпгина мамлакатларидаги ижтимоий турмушга таъсир ўтказади. Давлат иқтисодий негизини капитал маблағлардан тушадиган ддаромадлар, миллий католик черковларнинг бадаллари, диндорларнинг эҳсонлари ташкил этади.



Ватикан. Сарой ансамбли

Ватикан – дунёнинг йирик саноат-молия монополияларидан бири (унинг олтин ва валюта захираси 12 млрд. АҚШ долларидан ортиқ). Италия, Буюк Британия, Швейцария, Франция, Испания, шунингдек, АҚШ ва Лотин Америкаси мамлакатларидаги саноат тармоқлари корхоналарига қўйилган сармоядан катта фойда олиб туради. Италия, Германия, Испания ва бошқа мамлакатларда катта ер майдонларига эга. Хорижий сайёҳлик ва почта маркалари чиқариш, сувенирлар сотиш ҳам катта даромад келтиради.

Илк ўрта даврларда вужудга кела бошлаган Ватикан маъмурий мажмуасига XV – XVI асрларда яратилган кўпдан-кўп иншоотларни ўз ичига олувчи Ватикан сарой ансамбли (майдони 55 минг м²) киради.

- **Вена** – Австрия пойтахти.

Вена Дунай дарёси бўйида, Альп тоғларининг шимоли-шарқий тармоғи – Вена Ўрмони (Виннервайд) тоғи этагида жойлашган.

Вена Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йорк ва Женевадан кейинги учинчи қароргоҳ шаҳри ҳисобланади.

Аҳолиси 1,7 млн.дан зиёд киши. Шаҳар атрофи билан 2,3 млн. киши (2012). Венада январнинг ўртача ҳарорати – 1,5⁰, баъзан – 12⁰ дан -18⁰ гача совуқлар бўлиб туради. Июлнинг ўртача ҳарорати 20⁰. ёғин миқдори 600–700 мм .

Вена шаҳри иқлимининг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь	Йилли
--------------	--------	---------	------	--------	-----	------	------	--------	----------	---------	--------	---------	-------

Ўртача максимум, °C	18,7	20,6	25, 5	30,0	34, 0	36,5	38, 3	38,5	33,0	27,8	21,7	19,1	38
Ўртача максимум, °C	3,1	5,2	10, 3	16,2	21, 1	24,0	26, 5	26,0	20,6	14,6	8,1	3,6	14
Ўртача температура, °C	0,3	1,7	5,8	10,8	15, 6	18,6	20, 8	20,3	15,5	10,4	5,2	1,1	10
Ўртача минимум, °C	-1,9	-1	2,5	6,3	10, 9	14,0	15, 9	15,7	11,9	7,4	3,0	-0, 8	7
Ўртача минимум, °C	-22, 2	-26	-16, 3	-8,1	-1, 6	3,2	6,9	6,5	-0, 6	-9, 1	-14, 3	-20, 7	-1
Ҳисоби, мм	37	41	51	44	69	70	71	72	60	38	49	48	6

Манба: Погода и Климат

Вена маъмурий жиҳатдан провинция (ер) ҳуқуқига тенглаштирилган шаҳар. Қуйи Австрия ерининг маъмурий маркази. 1-асрда Вена ўрнида Рим легионларининг лагери (Виндобон) бўлган. Манбалардан Вена номи билан дастлаб 881, сўнгра 1030 йилдан тилга олинади. 12-аср ўрталаридан Австрия герцогларининг қароргоҳи. 16- асрдан кўп миллатли Австрия-Ғабсбурглар давлатининг пойтахти. Вена 18-19 асрлардан Европа маданияти (айниқса мусиқа маданияти)нинг йирик марказларидан бири. 1805-06 ва 1809 йилларда Венага Наполеон 1 қўшинлари бостириб кирган. 1814 -15 йилларда Вена конгресси чақирилган. 1848-49 йилларда Вена Австрия – Венгрия пойтахти. 1938 йил мартда немис қўшинлари Австрияни, шу жумладан Венани ҳам эгаллади. 1945 йил 13 апрелдан фашистлардан озод қилинди, ўша йили июлда Венада Австриянинг оккупация зоналари ва Венани идора қилиш ҳақидаги битимлар имзоланди. 1955 йил майда Венада мустақил ва демократик Австрияни тиклаш ҳақидаги давлат шартномаси имзоланди, октябрда Австрия парламенти Австриянинг доимий бетарафлиги ҳақида қонун қабул қилинди. Вена Австриядаги энг йирик, Европадаги муҳим транспорт йўллари тугуни. Швехат халқаро аэропорти бор. Вена мамлакатининг сиёсий , иқтисодий ва маъданий маркази, йирик дарё порти. Мамлакатдаги саноат ишлаб чиқаришнинг қариб ярми Венага тўғри келади. Машинасозлик, (электротехника, транспорт машиналари), кимё тикувчилик, пойабзал, полиграфия, озиқ-овқат саноати ривожланган. Экспорт учун кийим – бош, пойабзал, мусиқа асбоблари ва бошқалар ишлаб чиқарилади.



Вена. Дунай минораси (252 м)

Венада ФА, Вена университети, бир қанча олий мактаблар, Муסיқа санъат академияси, Бург театри, опера театри, Л. Бетховен, Й. Гайдн, В.А. Моцарт, Шуберт, И. Штраус уй-музейлари бор. 15 дан ортиқ музей, кўргазма заллар ва саройларда бадий санъатнинг коллекциялари сақланади. Энг йирик кутубхоналари; Миллий кутубхона, университет кутубхонаси, Метрополитен бор. ЮНИДО, МАГАТЭ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг қароргоҳи.

- **Вильнюс** (аввалги номлари Вильно, Вильна) – Литва Республикаси пойтахти.

Вильнюс Литванинг жануби-шарқида жойлашган, майдони 401 км²

Вильнюс мамлакатнинг йирик саноат ва маданият маркази. Нярис (Вилия) ва Вильня (Вильняле) дарёлари туташган ерда. Шаҳар Вильня дарёси номи билан аталган (литвача вильня, вильнис – “тўлқин” демак).

Аҳолиси 539,9 мингдан зиёд киши (2014). Вильнюсда январнинг ўртача ҳарорати – 5,3⁰, июлнинг ўртача ҳарорати 17⁰.

Вильнюс шаҳри иқлимнинг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь	Йилли
Ўртача температура	10,9	14,4	19,8	29,0	31,8	33,4	35,4	34,9	32,0	24,5	14,9	10,5	35,0

кайта тикланди ва Болтиқбўйи иқтисодий раёнининг энг йирик иқтисодий, маданий марказларидан бири бўлиб қолди.

Республика ялпи саноат маҳсулотининг аксарият қисми Вильнюсда ишлаб чиқарилади. Машинасозлик (станоксозлик, асбобсозлик, иссиқлик аппаратуралари, электр двигателлари, электр пайвандлаш ва савдо – сотиқ асбоблари, радио ўлчов приборлари, қишлоқ хўжалиги машиналари ва бошқалар) ва металлсозлик етакчи ўринда туради. Кимё, енгил (тикувчилик ва пайпоқ-трикотаж фабрикалари, пойабзал, атторлик корхоналари), озиқ-овқат (гўшт комбинати, кондитер, тамаки фабрикалари, ёғ вино заводлари) саноати корхоналари бор.



Вильнюс. Миллий музей

Қурилиш материаллари ва мебел ишлаб чиқарилади. Вильнюсдан 10 км нарида жойлашган Янги Вилняда йирик саноат райони вужудга келган. Вильнюс – муҳим маданий марказ. Вильнюсда республика Фанлар академияси (1940 йилдан), илмий тадқиқот институтлари, 5 олий ўқув юрти (шу жумладан Вильнюс университети, консерватория), 150 га яқин оммавий кутубхона, 12 музей (шу жумладан суратлар галерияси, халқ санъати, тарих – этнографияси музейлари), 5 театр (Литва опера ва балет театри ва бошқа), ва бошқа муассасалар ишлаб турибди. Вильнюсда меъморий ёдгорликлардан Баланд қаср (14-15 асрлар) қолдиқлари, Микалоялус готика черкови (14 – аср), бернардинчилар черкови ва ибодат хонаси (16-аср), Онос черкови (16-аср) ва Милоко черкови (16-17 –асрлар), университет бинолари мажмуи (16-аср 2-ярми – 19 –аср 1-ярми), Казимеро (1604 -180), Тресес (1634 -50), Пятро ир Провило (1668- 75), Котринос (17 –аср охири 18- аср ўрталарида) барокко черковлари, меъмор Л. Стуоки – Гуцявичюснинг классик стилидаги бинолари (кафедраль собор, 1777 – 1801; ратуша 1786 -99), сақланган. 1940 – йиллардан сўнг янги турар жой раёнлари (Лаздинай, 1967 йилдан 4 Жирмунай, 1968 йилдан) ва жамоат бинолари (“Няринга” меҳмонхонаси, 1960; Спорт саройи, 1971; Опера ва балет театри, 1973) вужудга келди.

- **Дублин** – Ирландиянинг пойтахти.

Ирландия оролининг шарқида, Лиффи дарёсининг Дублин қўлтиғига қуйилиш ерида жойлашган. Аҳолиси 506 мингдан (шаҳар атрофи билан 1,7 млн) зиёд киши (2012). Иқлими денгиз иқлими. Дублинда январнинг ўртача ҳарорати – 5⁰, июлнинг ўртача ҳарорати 17⁰, йилига 842 мм ёғин ёғади. Апрельда энг кам ёғин (45 мм) тушади.

Дублинда географик кенглик кўрсаткичи юқори. Ёзда кун 19 соат ёрув бўлса, қишда эса атига 9 соат бўлади. Шаҳарда кучли шамоллар эсади. Дублинда 1997 йил 24 декабрда шамол тезлиги соатига 151 км бўлган.

Дублин шаҳри иқлимининг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь	Йилли
Ўртача максимум, °C	17,0	18,1	23,4	22,2	26,7	28,9	30,0	30,6	27,6	24,2	19,4	17,2	30,0
Ўртача максимум, °C	8,1	8,5	10,6	12,6	15,4	18,1	20,0	19,7	17,4	14,0	10,4	8,3	13,0
Ўртача ҳарорат, °C	5,4	5,3	6,7	8,1	10,7	13,3	15,3	15,1	13,2	10,3	7,5	5,7	9,0
Ўртача минимум, °C	1,9	1,8	3,0	4,0	6,3	9,0	11,2	11,0	9,1	6,6	4,4	2,3	5,0
Ўртача минимум, °C	-15,6	-13,4	-9,4	-7,2	-5,6	-0,6	1,7	0,6	-1,7	-5,6	-9,4	-14,0	-1,0
Ҳаётин, мм	63	48	52	54	59	66	56	73	58	79	74	73	73
Ўртача ҳарорати, °C	8	7	7	8	10	12	15	15	15	14	12	10	11

Манба: Погода и Климат



Дублин. Лиффи дарёсидаги кўприк

Дублин тўғрисида дастлабки маълумот Ирландия манбаларида 291 йилдан учрайди. IX асрдан Дублинни норманлар босиб олган. 1170 йилда инглиз-нормани феодаллари кўлига ўтди. 1922 йилдан мамлакат пойтахти. Дублин мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий маркази. Транспорт йўллари тугуни, Ирландия денгизи соҳилидаги мамлакатнинг энг йирик порти. Халқаро аэропорт бор. Дублин порти орқали четга чорва моллари, гўшт, тери ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари чиқарилади. Саноатининг етакчи тармоқлари – озиқ-овқат, енгил саноат, кўн-тери, жут корхоналари бор. Кимё, кemasозлик, машинасозлик, қурилиш саноати тармоқлари ривожланган. Меъморий ёдгорликлардан Дублин қасри – ҳозирги Адлия саройи (XIII аср), Крайстчёрч черкови (1038), Сент-Патрик собори (1190), ратуша (1769) сақланган. Дублин университети (1591, Миллий университет, Қироллик мусиқа академияси, музейлар, ҳавонот боғи, миллий музейлар бор.

- **Загреб** – Хорватия пойтахти.

Загреб Сава дарёсининг чап соҳилида жойлашган.

Загреб шаҳри иқлимининг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь	Йилли
Ўрта оқсими, °C	19,4	21,6	26,1	28,7	33,7	37,0	40,3	38,0	34,2	27,6	25,0	21,5	40
Ўрта оқсими, °C	4,3	7,0	12,3	17,3	22,3	25,3	27,7	27,0	21,9	16,4	10,0	5,1	16
Ўрта оқсими, °C	1,2	3,1	7,5	12,2	17,	19,9	22,0	21,7	17,0	12,0	6,5	2,2	11

җорат, °C					0								
ортача минимум, °C	-1,3	-0,2	3,6	7,7	12,2	15,1	17,0	16,9	12,8	8,5	3,7	-0,1	8
тутлок минимум, °C	-22,2	-21,7	-17	-3	0,5	4,6	7,3	5,3	2,3	-6	-9,7	-18,7	-2
ин, мм	47	44	56	54	73	95	71	97	91	82	72	62	8

Манба: Погода и Климат



Загреб. Археология музейи

Аҳолиси 790 минг киши, атрофи билан 1 млн.дан зиёд (2013). Загребда мамлакат аҳолисининг 20 фоизи тўпланган.

Марказий ва Ғарбий Европадан Адриатика денгизи ва Болқон ярим оролига борадиган темир йўл ва автомобиль йўллари тугуни. Загреб мамлакатнинг энг йирик иқтисодий ва маданий маркази. Халқаро аэропорт бор. Машинасозликнинг турли тармоқлари (станоксозлик, электротехника буюмлари ва бошқалар), кимё, енгил ва озиқ-овқат, нефтни қайта ишлаш, полиграфия, қурилиш материаллари, ёғочсозлик, қоғоз, тўқимачилик, кўн-пойабзал саноати корхоналари бор. Загребда халқаро ярмарка ўтказилади. Фанлар ва санъат академияси, университет (1669 йилдан), ядро физикаси институти, олий ўқув юртлари, йирик нашриётлар, театрлар, меъморий ва этнографик музейлар, бадиий ва ҳунармандчилик музейлари, картиналар галереяси бор.

Загреб тарихий манбаларда дастлаб 1094 йилдан тилга олинган. XVI аср ўрталаридан Хорватиянинг бош шаҳри. 1526 – 1918 йилларда (немисча Аграм номи билан) Габсбурглар монархияси таркибида. 1918 йилдан Серб, хорват ва словенлар қироллиги (1929 йилдан Югославия) таркибида, 1992 йилдан мустақил Хорватия пойтахти.

Меъморий ёдгорликлардан Епископ қароргоҳи, собори билан (XIII – XV, XIX асрлар)X, шаҳар қалъаси (III – XVIII асрлар) X, готика черкови (IV –

XV асрлар) , барокко ва классицизм услубидаги бинолар (XVIII аср) сақланган. Замонавий бинолар шаҳарнинг жанубий қисмида.

- **Киев** – Украина пойтахти (1934йилдан).

Киев Днепр дарёсининг ўрта оқимида жойлашган, порт шаҳар. Январнинг ўртача ҳарорати – 5,8⁰, июлники 19,5⁰;

Киев шаҳри иқлимининг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткич	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь	Йилли
Ўртача максимум, °C	11,1	17,3	22,4	30,2	33,6	35,0	39,4	39,3	33,8	27,9	23,2	14,7	35,0
Ўртача максимум, °C	-0,9	0,0	5,6	14,0	20,7	23,5	25,6	24,9	19,0	12,5	4,6	0,0	12,5
Ўртача ҳарорат, °C	-3,5	-3	1,8	9,3	15,5	18,5	20,5	19,7	14,2	8,4	1,9	-2,3	8,4
Ўртача минимум, °C	-5,8	-5,7	-1,4	5,1	10,8	14,2	16,1	15,2	10,2	4,9	-0,3	-4,6	4,9
Ўртача минимум, °C	-31,1	-32,2	-24,9	-10,4	-2,4	2,4	5,8	3,3	-2,9	-17,8	-21,9	-30	-3,3
Ҳисобида қармоқ, мм	36	39	37	46	57	82	71	60	57	41	50	45	60

Манба: Погода и Климат



Киев. Консерватория биноси

шаҳар майдони 800 км² . Аҳолиси 2835,3 минг киши(2014). Киев агломерациясида 4 млн 100 мингга яқин киши яшайди.

Киев мамлакатнинг йирик саноат, иқтисодий, фан ва маданий маркази. Киев вилояти маркази. Йирик темир йўл, шоссе ва ҳаво йўллар тугуни. Ҳозирги Киев ҳудудида бундан бир неча минг йил муқаддам дастлабки манзилгоҳлар бўлган. “Киев” номи V асрнинг охири – VI аср бошидаги унингфсонавий асосчиси Кий исми билан боғлиқ. Киев милоднинг VI – VII асрларда шарқий славянларнинг полян қабиласи маркази сифатида ташкил топган. 882 йил Киев княз Олег қўл остига ўтди ва 1132 йилгача Киев Русининг сиёсий, маданий ва савдо маркази. 1240 йил Киевни мўғуллар забт этди. 1362 йилдан Литва ва Польша таркибида. 1654 йилда Россия империяси таркибига қўшиб олинган. 1917 йил октябрда ҳокимиятни Маказий рада эгаллади. 1918 йил 26 январда Киевни қизил армия босиб олди. 1918 йил 1 мартдан Киев аввал немислар, кейин деникинчилар қўл остида бўлди. 1941 – 43 йилларда Киевни фашистлар Германияси босиб олди. 1934 йил пойтахт Харьковдан Киевга кўчирилди. 1991 йилдан Киев мустақил Украина пойтахти.

Машинасозлик, шу жумладан, станоксозлик, транспорт машинасозлиги, аниқ приборсозлик, электротехника ва радиоэлектроника маркази. Енгил ва озиқ-овқат, полиграфия, қурилиш материаллари саноати корхоналари бор.

Метрополитен ишлаб турибди. Украина ФА, 18 та олий ўқув юрти, 15 та театр, қарийб 30 та музей мавжуд.

Киевда София собори (XI аср; қўнғироқхонаси XVII – XIX асрлар. Олтин дарвоза (XI аср), Видубецк монастири (XI аср), Спас черков (XI асрнинг охири XII асрнинг боши. Кирилл черкови (XII аср), Киев-Печера лавраси (XII – XVIII асрлар), Андрей черкови (XVIII), Владимир собори (XIX аср) сақланган.

- **Кишинёв** – Молдавия Республикаси пойтахти.

Кишинёв Бик дарёси (Днестрнинг ўнг irmoғи) соҳилида, денгиз сатҳидан 85 м баландда жойлашган.

Январнинг ўртача ҳарорати – 3,5⁰, июлники 21,5⁰; 20 февраль, 1954 йилда энг совуқ (-28,9 °C), 19 июль, 2007 йилда эса энг юқори (+ 39,4 °C) ҳарорат қайд этилган. Аҳолиси 732 минг киши.



Кишинёв. Молдавия парламенти биноси

Кишинёв шаҳри иқлимнинг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь	Йилли
Ўртача абсолют максимум, °C	15,5	20,7	25,7	31,6	35,9	37,5	39,4	39,2	37,3	32,6	23,6	18,3	39,2
Ўртача абсолют минимум, °C	0,9	2,6	8,1	15,4	22,0	25,2	27,5	27,2	21,5	15,1	7,5	2,3	14,5
Ўртача	-1,9	-0,8	3,7	10,4	16,	19,9	22,	21,7	16,3	10,5	4,1	-0,	10,5

Температура, °C					5		1					6	
Средняя температура, °C	-4,3	-3,6	0,2	5,9	11,6	15,2	17,3	16,9	12,0	6,8	1,6	-2,8	6
Абсолютная температура, °C	-28,4	-28,9	-21,1	-6,6	-1,1	3,6	7,8	5,5	-2,4	-10,8	-21,6	-22,4	-2
Влажность, мм	36	31	34	39	46	65	62	56	62	36	37	39	5

Манба: Погода и Климат

Темирйўл станцияси. Шаҳар маъмуриятига бўйсунган аҳоли пунктлари билан бирга 804,5 минг киши (2014). Кишинёвда 3 шаҳар тумани бор. Ҳозирги Кишинёв ўрнида катта қишлоқ бўлганлиги ҳақидаги дастлабки маълумотлар 1466 йилга мансуб. Кишинёв сўзининг маъноси тўғрисида турли ривоятлар бор. Жумладан, Кишинёв “булоқ” маъносини англатади, деган тахмин ҳақиқатга яқин. XVII асрнинг 2-ярмида Кишинёв шаҳарга айланган. Кишинёв XVI аср бошларидан 1812 йилгача Молдавия князлиги таркибида Туркияга қарам бўлган. 1812 йил Россия империяси Бессарабияни босиб олган. 1818 йилдан Кишинёв – Бессарабия вилояти маркази. 1873 йилдан янги тузилган Бессарабия губернияси таркибига кирган. Кишинёвда 1918 йил 1 (14) январда шўролар ҳокимияти ўрнатилди. Ўша йили январда шаҳар Руминия тасарруфига ўтди. 1940 йил августда Молдавия ССР ташкил топди ва Кишинёв унинг пойтахти бўлди. 1941 – 44 йилларда Кишинёвни фашистлар Германияси босиб олди. 1991 йилдан мустақил Молдавия Республикаси пойтахти.

Кишинёвда машинасозлик, озиқ-овқат, енгил, кимё, ёғочсозлик, саноати корхоналари бор. Молдавия ФА, 7 та олий ўқув юрти, 5 та театр, 9 та музей мавжуд.

• Копенгаген – Дания пойтахти.

Копенгаген Зеландия оролининг шарқий соҳили ва унга ёндош Амагер оролида жойлашган.

Мўътадил денгиз иқлими. Ёз салқин, қиш жуда юмшоқ.

Копенгаген шаҳри иқлимнинг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь	Йилли
Абсолютная температура, °C	10,9	15,8	20,8	26,2	28,5	32,7	33,0	33,8	29,8	23,2	16,6	12,5	33

Ҳарорат максимум, °C	3,2	3,4	6,1	11,3	16, 4	19,3	22, 0	21,7	17,4	12,6	7,6	4,3	12
Ҳарорат минимум, °C	1,3	1,2	3,3	7,5	12, 3	15,5	18, 0	17,6	13,9	9,7	5,4	2,5	9
Ҳарорат минимум, °C	-0,9	-0,9	0,5	3,7	8,2	11,6	14, 1	14,1	10,9	7,2	3,4	0,4	6
Ҳарорат минимум, °C	-24, 2	-20	-18 ,5	-8,8	-3, 4	1,0	4,0	0,6	-3, 2	-7	-15 ,2	-16	-2
Ҳарорат минимум, °C	46	30	39	34	50	64	61	70	62	59	53	50	6
Ҳарорат минимум, °C	5	4	5	8	12	15	16	17	15	12	8	5	1

Манба: Погода и Климат



Копенгаген кўчалари

Аҳолиси 569,6 минг киши. Копенгаген атрофи ва йўлдош шаҳарлар билан бирга алоҳида маъмурий бирлик сифатида ажратилган – Катта Копенгаген шаҳар агломерациясини ташкил этади. Унда 1,2 млн киши яшамокда (2014).

Шаҳар қўлёзмаларда дастлаб 1043 йил тилга олинган. 1167 йилда у ерда қаср қурилган. 1254 йилдан шаҳар мақомини олган, 1443 йилдан қирол қароргоҳи. Копенгаген – мамлакатнинг муҳим иқтисодий ва маданий маркази. Халқаро транспорт йўллари тугуни. Эресунн бўғозининг ғарбий соҳилидаги порт(йиллик юк ортиб-тушириш 10 млн т). Халқаро аэропорт бор. Темир йўл ва паромлар орқали Копенгаген Мальмё, Хельсингборг, ва Ландскруна (Швеция) ҳамда Варнемюнде (Германия) каби шаҳарлар билан боғланган. Мамлакат саноатининг 1/4 қисми Копенгагенда. Саноатнинг асосий тармоғи – машинасозлик, жумладан, электротехника, приборсозлик, озиқ-овқат саноати учун жиҳозлар, велосипед, мотоцикл, соат, тибиий соҳа учун асбоблар ишлаб чиқариш, автомобилсозликдир. Шунингдек, кимё, қоғоз, цемент, енгил саноат, хусусан чинни ва сопол буюмлар ишлаб чиқарилади. Дания ФА, университет (1479), фармацевтика институтлари, консерватория, музей, театрлар бор.

- **Лиссабон** – Португалия пойтахти.

Лиссабон мамлакатнинг энг йирик сиёсий, иқтисодий ва маданий маркази. Шаҳарнинг географик ўрни қулай, қишнинг ўртача ҳарорати +9, ёзнинг ўртача ҳарорати +24 даража. 100 кундан ортиқ ёмғирли кун бўлади. Лиссабон Европанинг материк қисмидаги энг ғарбидаги пойтахт.

Лиссабон шаҳри иқлимнинг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь	Йиллик
Ўртача максимум, °C	20,6	24,8	28,3	29,4	35,0	41,5	40,6	37,9	37,1	32,6	25,0	25,1	41,5
Ўртача максимум, °C	14,5	15,9	18,2	19,2	21,4	24,8	27,5	27,8	26,2	22,1	18,0	15,2	20,5
Ўртача ҳарорат, °C	11,4	12,5	14,2	15,4	17,4	20,3	22,7	22,9	21,8	18,4	14,9	12,2	17,5
Ўртача минимум, °C	8,1	9,2	10,4	11,5	13,3	15,9	17,9	18,1	17,3	14,6	11,5	9,5	13,5
Ўртача минимум, °C	0,4	1,2	2,9	5,5	6,9	10,3	13,1	13,8	10,7	8,0	3,9	2,4	0,5
Ҳамоқ, мм	96,8	90,2	51,2	64,7	55,6	17,2	6,1	6,8	28,5	79,8	107,1	121,8	724,8

Манба: Погода и Климат

Эштремадура тарихий вилояти ва Лиссабон округининг маркази. Атлантика океани қирғоғидан 15 км ичкарида. Тежу дарёси эстуарийси ўнг соҳилидаги йирик порт. Муҳим темир йўл тугуни. Халқаро аэропорт бор. Аҳолиси 678 минг киши (шаҳар атрофи билан 2,5 млн киши). Иқлими субтропик океан иқлими, йиллик ўртача ҳарорат 16 °.

Лиссабон ўрнида қадимда ибери қабиласининг манзилгоҳи бўлган. Милoddан аввал II асрда Лиссабонни римликлар, VI асрда вестготлар, VIII асрда араблар босиб олганлар (Лиссабоннинг арабча номи Ал-Ошбуни ёки Лишбуна). 1147 йилдан Португалия қироллиги таркибида. 1255 – 56 йиллардан мамлакат пойтахти, 1581 – 1640 йилларда Испания ҳукмронлиги остида бўлган. 1640 йилда Португалия мустақиллиги учун бўлган кўзғолонлар марказига айланган. 1755 йилдаги ҳалокатли zilзиладан сўнг шаҳар бутунлай қайта қурилган. 1807 – 08 йилларда Лиссабонни Наполеон аскарлари босиб олган.



Лиссабон шаҳри

Лиссабон ва шаҳар атрофида металлургия, машинасозлик (кемасозлик ва кема ремонти, вагонсозлик, металл ва электротехника жиҳозлари ишлаб чиқариш ва бошқалар), кимё (жумладан, синтетик каучук ва фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш) ва металлсозлик, нефтни қайта ишлаш, ойна-шиша, чинни, ёғочсозлик саноатининг кўплаб корхоналари мавжуд. Тўқимачилик ва тикувчилик саноати тармоқлари жадал ривожланди. Лиссабон халқаро туризмнинг йирик марказларидан бири. Бальнеологик курорт ва дам олиш зоналари ва унинг атрофида меъморий ёдгорликлар кўп:

Сан-Жоржи қалъаси (XIV аср), Жерониум монастири (1502 – 20), қирол саройи (XVI аср) ва бошқалар. Лиссабонда ФА, Католик университети, ҳарбий академия, Миллий мусиқа академияси, нафис санъат мактаби, илмий-тадқиқот муассасалари, ботаника боғи, картиналар галереяси, музей, театрлар бор. Айниқса, Лиссабон денгиз музейи дунёга машҳур.

- **Лондон**, Катта Лондон – Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги пойтахти.

Лондон мамлакатнинг энг йирик сиёсий, иқтисодий ва маданий маркази. Темза дарёсининг қуйи оқимида, Шимолий денгиздан 64 км масофада, Лондон ҳавзаси деб аталувчи текисликнинг марказий қисмида жойлашган. Пойтахт атрофидаги шаҳарлар ва Сити билан маъмурий жиҳатдан алоҳида метрополитен қилиб ажратилган Катта Лондонни ташкил қилади. Аҳолиси 8,6 млн киши (2013). Қиши юмшоқ, ёзи унчалик иссиқ бўлмаган денгиз иқлими. Январнинг ўртача ҳарорати 5,3⁰, июлники 18,9⁰, йиллик ўртача ёғин 645 мм.

Лондон шаҳри иқлимнинг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь	Йиллик
Ўртача максимум, °C	14,9	18,5	22,2	27,1	30,6	34,3	35,0	37,3	33,4	28,2	18,9	15,2	37,3
Ўртача максимум, °C	7,7	8,0	10,9	13,8	17,3	20,4	22,9	22,5	19,2	14,9	10,7	7,9	14,9
Ўртача ҳарорат, °C	5,0	4,9	7,1	9,2	12,6	15,6	17,9	17,6	14,9	11,4	7,7	5,3	10,7
Ўртача минимум, °C	2,4	2,1	4,0	5,3	8,3	11,3	13,4	13,3	11,1	8,2	4,8	2,6	7,7
Ўртача минимум, °C	-16,6	-16,1	-11,1	-4,9	-2,4	1,4	2,4	0,2	-0,4	-5,7	-9,1	-16,1	-1,4
Ҳаётин, мм	56	41	42	42	51	45	44	49	48	69	57	55	51

Манба: Погода и Климат



Темза водийсидаги сув омбор

Римликлар босиб олгунга қадар (милоднинг 40 – 60 йиллар) ҳозирги Лондон ўрнида кельтлар қишлоғи бўлган. Римликлар ҳукмронлиги даврида Лондон дастлаб ҳарбий лагерь, сўнг дарё ва денгиз порти бўлган. IV аср ўрталаридан Рим Британиясининг муҳим сиёсий маркази. Англо-сакслар истилоси даврида (V – VI асрлар) шаҳар вайрон қилинган ва тезда қайта тикланган. VII аср бошларидан муҳим савдо сиёсий марказга айланган. XI аср охири – XII аср бошларида Лондон Англиянинг расмий пойтахтига айланди. XVI асрда Лондонда йирик савдо компаниялари вужудга келди. 1571 йил Лондон биржаси очилди.

Лондон – Буюк Британиядаги тинчлик учун кураш марказларидан. 1949 йилдан бошлаб, шаҳарда тинчликни ҳимояқилиш бўйича миллий конгресс ва конференциялар чақирилади. Лондон – халқаро аҳамиятга эга транспорт йўллари тугуни. Темза дарёсининг Шимолий денгизга қуйилиш еридаги йирик порт (йиллик юк ортиб тушириш 60 млн т). Хитроу ва Гатуик аэропортлари халқаро аҳамиятга эга. Катта Лондон мамлакатдаги ишлаб берувчи саноат маҳсулотининг 1/6 қисмини беради. Лондонда машинасозлик, металлургия, нефтни қайта ишлаш ва кимё, енгил ва озиқ-

овқат саноати тармоқлари ривожланган. Ҳарбий саноат ривожланган. Лондонда дунёда биринчи метрополитен қурилган (1860 – 63).

Лондон – мамлакатнинг муҳим маданий маркази. Бу ерда Лондон университети, Сити университети, Қироллик драма санъати академияси, Қироллик мусиқа академияси, Лондон Қироллик жамияти, 30 дан ортиқ музейлар, машҳур кутубхоналар бор.

Лондон ягона марказдан эмас, балки мустақил шаҳарчалар ва аҳоли пунктларининг секин-аста қўшилиб кетишидан ташкил топганлиги билан бошқа йирик шаҳарлардан фарқ қилади. Тарихий марказлари – Вестминстер (сиёсий идоралар, Вестминстер аббатлиги, Бакингем ва Сент-Жеймс саройлари, Янги Вестминстер собори ва бошқалар жойлашган) ва Сити (банк, биржа, йирик монополия идоралари ўрнашган).

• Любляна – Словения пойтахти.

Любляница дарёси бўйида, унинг Сава дарёсига қуйилиши яқинида жойлашган. Шаҳардан турли катталиқдаги Любляница, Градашчица, Кичик Грабен, Глиншчица, Пржанец, Бизовишки Поток, Грабен, Поток дарёлари оқиб ўтади. Шаҳарни 1782 йилда сув тошқинларидан ҳимоя қилиш мақсадида Грубер канали барпо этилган. Майдони 163,8 км². Аҳолиси 270,5 минг киши. Любляна агломерациясида эса 500 мингдан ортиқ аҳоли яшамокда (2014).

Иқлими мўътадил, континентал ва денгиз иқлими алмашилиб туради. Ёз фаслида шаҳарда Адриатика ҳаво массалари ҳукмрон. Июль энг иссиқ, январь энг совуқ ойлардир. Любляна Европадаги энг кўп ёғин ёғадиган пойтахт шаҳарлардан бири. 1926 йил сентябрнинг 4 кунда шаҳар ҳудудига 300 мм дан ортиқ ёғин тушган, катта сув тошқинларига сабаб бўлган.

Любляна Евросиё билан Ўртаер-Ҳимолай тектоник плиталари чегарасидаги фаол зонада жойлашган. Шунинг учун 14 апрель 1895 йилда шаҳар тарихидаги 6,1 балли кучли zilзила содир бўлган.

Любляна шаҳри иқлимининг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь	Йилли
Ўрта оқсимум, °C	14,8	19,7	24,6	27,8	32,4	33,3	37,1	36,5	31,3	26,5	20,3	16,7	37
Ўрта оқсимум, °C	3,0	6,2	11,2	15,4	20,8	23,9	26,5	26,1	21,5	15,3	7,9	3,4	15
Ўрта оқсимум, °C	-0,1	1,8	6,1	10,0	15,0	18,1	20,4	19,8	15,5	10,3	4,5	0,7	10

ортача минимум, °C	-2,7	-1,9	1,4	4,9	9,4	12,7	14, 6	14,4	11,0	6,7	1,7	-1, 7	5
тутлок минимум, °C	-20, 3	-18	-14, 6	-3,3	-1, 2	2,9	7,4	5,8	-0, 6	-5, 4	-14, 5	-16	-2
яин, мм	71	71	87	103	11 3	154	117	134	131	147	137	103	13

Манба: Погода и Климат



Любляна. Люблянице дарёси

Транспорт йўллари тугуни. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Машинасозлик ва металлсозлик (йирик гидрокувурлар заводи, электротехника буюмлари, приборлар ишлаб чиқариш) саноатлари ривожланган. Кимё, полиграфия, фармацевтика, кўн-пойабзал, ёғочсозлик, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд. Словения фан ва санъат академияси, университет (1595), филармония (1702), ядро

тадқиқотлари институти ва бошқа илмий тадқиқот муассасалари, миллий, этнография музейлари, кутубхоналар, миллий ва замонавий галереялар бор.

- **Люксембург** – Люксембург давлатининг пойтахти.

Шаҳар Альзет ва Петрюс дарёлари қўшилган жойда, 334 м баландликда жойлашган. Иқлими мўътадил, денгиз иқлимидан континентал иқлимга ўтиб боради. Январнинг ўртача ҳарорати 0,9⁰, июлники 16,6⁰; йиллик ўртача ёгин 830 мм.

Люксембург шаҳри иқлимининг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь	Йиллик
Ўртача максимум, °C	13,9	18,2	22,2	27,0	30,4	34,3	35,7	37,9	31,5	26,0	18,4	14,6	37,9
Ўртача максимум, °C	3,2	4,7	9,1	13,3	17,9	20,9	23,4	22,9	18,4	13,2	7,3	3,9	13,2
Ўртача ҳарорат, °C	0,8	1,6	5,2	8,7	13,0	15,9	18,1	17,8	13,9	9,6	4,6	1,8	9,6
Ўртача минимум, °C	-1,5	-1,1	1,7	4,5	8,6	11,3	13,4	13,2	10,1	6,5	2,3	-0,3	5,2
Ўртача минимум, °C	-17,8	-20,2	-14,4	-6,9	-2,1	0,9	4,5	4,3	-0,7	-4,6	-11,1	-15,3	-2,1
Ҳаётин, мм	77	62	69	58	77	79	70	75	74	86	76	86	84

Манба: Погода и Климат



Люксембург шаҳри

Аҳолиси 103,6 минг киши(2013).

Люксембург қўлёмаларда савдогарлар қишлоғи сифатида 963 йилдан маълум. 1244 йилда шаҳар ҳуқуқини олган. Шаҳар ўз тарихида 20 марта қўлдан қўлга ўтиб кўп марта вайрона қилинган ҳамда қайта тикланган.

Люксембург – мамлакатнинг муҳим иқтисодий маркази, трансевропа темир йўл ва автомобиль йўллари тугуни. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Қора металлургия, машинасозлик, кимё, озиқ-овқат, тикувчилик саноат корхоналари мавжуд.

Люксембург – халқаро молия марказларидан: йирик банклар ва молиявий бирлашмаларнинг идоралари жойлашган. Люксембургда Миллий кутубхона, музей, санъат ва ҳунармандчилик мактаби, театр ва бошқалар бор. Меъморий ёдгорликлардан Герцог саройи (1572), Сен-Мишель готика черкови (XVI аср), Адлия саройи (XVI аср), Нотр-Дам собори (XVII аср) ва бошқалар сақланган.

- **Мадрид** – Испания пойтахти.

Мадрид провинциясининг ва Янги Кастилия тарихий вилоятининг бош шаҳри. Майдони 607 км².

Мадрид шаҳри иқлимнинг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь	Йилли
Ўрта оқсими, °C	19,9	22,0	26,0	30,1	34,3	38,4	39,5	40,0	37,0	30,0	22,7	18,6	40,0
Ўрта оқсими, °C	9,7	12,0	15,7	17,5	21,4	26,9	31,2	30,7	26,0	19,0	13,4	10,1	19,0
Ўрта оқсими, °C	6,1	7,9	10,7	12,3	16,1	21,0	24,8	24,4	20,5	14,6	9,7	7,0	14,0
Ўрта оқсими, °C	2,6	3,7	5,6	7,2	10,7	15,1	18,4	18,2	15,0	10,2	6,0	3,8	9,0
Ўрта оқсими, °C	-10,1	-9,1	-5,1	-1,6	0,6	4,4	8,5	9,2	4,0	-0,4	-3,4	-9,2	-1,0
Оқсими, мм	37	35	26	47	52	25	15	10	28	49	56	56	4,0

Манба: Погода и Климат



Мадрид. Қирол саройи

Мадрид – мамлакатнинг муҳим сиёсий, иқтисодий ва маданий маркази. Шаҳар Мансанарес дарёси (Тахо ҳавзаси) бўйида, Месета платосида, 650 м баландликда жойлашган. Иқлими қуруқ субтропик иқлим. Январнинг ўртача ҳарорати $4,9^{\circ}$, июлиники $24,2^{\circ}$; йиллик ўртача ёғин 420 мм. Аҳолиси 2,8 млн киши. Темир йўл ва автомобиль йўллари тугуни. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Мадрид илк бор қўлёзмаларда 932 йилда қайд этилган. Мадрид ўрнида X асрда маврларнинг Мажирит номли қалъаси бўлган. 1083 йил араблардан озод этилган ва 1118 йилдан эркин шаҳар ҳуқуқи берилган. XIV – XV асрларда Кастилия қироллари қароргоҳи. 1561 йилдан Испаниянинг расмий пойтахти.

Мадрид ва унинг атрофидаги корхоналар мамлакатдаги ишлаб берувчи саноат маҳсулотининг 1/10 қисмини беради. Мадридда машинасозлик (автомобилсозлик, самолётсозлик, локомотивсозлик), электротехника (оптика приборлари, радиотехника ва телефон жиҳозлари, қишлоқ хўжалик қуруллари ва бошқалар), кимё, кимё-фармацевтика, енгил (тўқимачилик, кўн-пойабзал, фарфор-фаянс) ва озиқ-овқат саноати тармоқлари ривожланган. Мадрид – бадий хунармадчилик (кашта тикиш, тўр тўқиш, заргарлик буюмлари тайёрлаш) ривожланган шаҳарлардан бири. Мадридда йирик корхоналарнинг бошқармалари, банклар, суғурта компаниялари, савдо фирмалари, биржалар жойлашган.

Мадрид – халқаро туризм марказларидан. Университетлар, Мария Кристина қироллик коллегиуми, консерватория, санъатшунослик ва бошқа ўқув муассасалари бор. Метроплитен қурилган. Музейлар, кутубхоналар, ботаника боғи бор.

Мадридда меъморий ёдгорликлардан епископ капелласи (1520), Пласа Майор ансамбли (1619), Қирол саройи (1738 – 64), черковлар, ратуша (XVII – XVIII асрлар) ва бошқалар сақланган.

- **Минск** – Белоруссия Республикаси пойтахти.

Минск вилояти маркази. Энг баланд нуқтаси денгиз сатҳидан 283 м. Темир йўл ва автомобиль йўллари тугуни. Минскда январнинг ўртача ҳарорати – 6,9⁰, июлнинг ўртача ҳарорати 17,8⁰. 700 мм ёғин тушади.

Минск шаҳри иқлимнинг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь	Йилли
Ўртача ақсимум, °С	10,3	13,6	18,9	28,8	30,9	32,5	35,0	35,6	30,3	24,7	16,0	10,3	35,0
Ўртача ақсимум, °С	-2,1	-1,4	3,8	12,2	18,7	21,5	23,6	22,8	16,7	10,2	2,9	1,2	10,0
Ўртача ҳарорат, °С	-4,5	-4,4	0,0	7,2	13,3	16,4	18,5	17,5	12,1	6,6	0,6	-3,4	6,0
Ўртача минимум, °С	-6,7	-7	-3,3	2,6	8,1	11,7	13,8	12,8	8,2	3,6	-1,3	-5,5	3,0
Ўртача минимум, °С	-39,1	-35,1	-30,5	-18,4	-5	0,0	3,8	1,7	-4,7	-12,9	-20,4	-30,6	-3,0
Ҳам, мм	45	38	44	42	65	89	89	68	60	52	48	49	60

Манба: Погода и Климат



Минск трактор заводи

Аэропорт бор. Шаҳар Свислочь дарёсининг (Березина ирмоғи) ҳар иккала соҳилида жойлашган. Аҳолиси 1719 мингдан зиёд киши, агломерациясида эса 2,6 млн киши яшайди (2014). Аҳолисининг таркиби асосан белоруслар, шунингдек, рус, украин, поляк ва бошқа миллат вакиллари яшайди. Минск биринчи марта 1067 йил йилномаларида “Менеск” шаклида тилга олинган. 12-аср бошларида Минск князлигининг маъмурий маркази, 14-асрда Литва ва Польша қўл остига ўтди. 1569 йилдан Минск воеводалигининг маркази. 1793 йилда Россияга қўшиб олинди. 1919 йил 1-январдан Белоруссия шўролари республикаси пойтахти. 2-жаҳон уруши даврида 80% турар жой бинолари,

барча фабрика ва заводлар, электр стансиялар, илмий муассасалар, театрлар қаттиқ шикастланди, баъзилари йўқ бўлиб кетди. 1944 йил 3 июлда Минск немис – фашистлари оккупациясидан озод қилинди. 2-жаҳон урушида кўрсатган мардлиги ва қаҳрамонлиги ва шаҳарнинг озод қилинганлиги муносабати билан Минскга қаҳрамон шаҳар унвони берилди (1974 йил 26-июнь). Минск 1991 йилдан мустақил Белоруссия республикасининг пойтахти. Саноатининг етакчи тармоғи – машинасозлик ва металлсозлик. “МТЗ” трактор заводи, автомобиль “Белавто МАЗ” ишлаб чиқариш бирлашмаси, станоксозлик, автоматик линиялар, мотор, подшипник, иситиш ускуналари, электротехника, совиткич, асбобсозлик, электрон ҳисоблаш машиналари, рессор заводлари фаолият кўрсатади. Кимё саноати (тиббий препаратлар, лок-бўёқ заводлари), мебель қурилиш материаллари (гипс ва чинни, қурилиш материаллари ва йирик блокли қурилиш деталлари к-тлари, уйсозлик заводлари), енгил (камвол ва майин мовут комбинатлари, кўн, тикувчилик, трикотаж фабрикалари), озиқ-овқат саноатлари корхоналари (гўшт, сут, ун комбинатлари, қандолатпазлик, тамаки фабрикалари, нон, маргарин, пиво заводлари), полиграфия комбинати бор. 1984 йилда метрополитен ишга туширилган. Минскни маҳаллий ТЭЦ ва бошқа электр стансиялар электр энергия билан таъминлайди. 13 олий ўқув юрти, 29 илмий тадқиқот институти, 7 театр, 12 музей, санаториялари бор. Меъморий бинолардан Ҳукумат уйи (1930-33), спорт саройи (1966), сув спорти саройи мажмуаси (1965-69) машҳур.


- **Монако** – Монако пойтахти.

Ўрта денгиз бўйидаги Денгиз бўйи Альп тоғларининг туртиб чиққан қояли қисмида жойлашган. Аҳолиси 2 минг киши чамасида. Ўрта денгиз бўйидаги порт. Монако-йирик океанография маркази, 1889 йилда музей, 1906 йилда океанография институти очилган. Жак Ив Кусто 1957 дан бошлаб унинг директори лавозимида ишлаган.



Монако. Океанография музейи

Океанография музейидаги аквариумни томоша қилган сайёҳлар ундаги Ўрта денгиз экотизимида оид 4000 тадан ортиқ балиқ, 200 дан ортиқ умуртқасиз ҳайвонларни томоша қиладилар.



Монако. Океанография музейидаги батискаф

Халқаро гидрография бюроси ишлаб турибди. Электротехника, радиоэлектроника, кимё, фармацевтика, озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд. Ботаника боғи, музейлар, кутубхона бор. Меъморий ёдгорликлардан сарой (16-19-асрлар), собор ва бошқа сақланган. Туризм ривожланган, курорт шаҳар.


- **Москва** – Россия Федерацияси пойтахти, Москва вилояти маркази, федерал аҳамиятидаги шаҳар.

Россия Федерациясининг йирик сиёсий, иқтисодий, илмий ва маданий маркази. Москвада Россия Федерацияси Президенти, Федерал Мажлис, РФ ҳукумати, Конституцион Суд, Олий Суд, Олий арбитраж суди, Россия

Федерацияси Прокротураси қароргоҳлари жойлашган. 10 маъмурий округга (Марказий, Шарқий, Жануби – Шарқий, Жанубий, Жануби – Ғарбий, Ғарбий, Шимоли – Ғарбий, Шимолий, Шимоли-Шарқий ҳамда Зеленоград ш.) бўлинган.

Шаҳар чегараси, асосан, Москва ҳалқа автомобиль йўлидан ўтади.

Майдони (Москва мэриясига қарашли бўлган Зеленоград ва бошқа аҳоли пунктларидан ташқари) 994,0 км², шу жумладан, Москва ҳалқа йўли доирасида 878,7 км². аҳолиси 12,1 млн киши (2014; Москва шаҳар маъмуриятига қарашли аҳоли пунктлари билан 15,6 млн киши)дан зиёд. Россиянинг Европа қисмида Смоленск-Москва текислиги ва Мешчѐра пасттекислиги туташган жойда, Ока ва Волга дарёлари орасида, Москва дарёси соҳилларида жойлашган. Шаҳар ҳудудининг асосий қисми 120 м баландликда, кенг тарқалган қайирлар ва қайир усти террасаларига эга бўлган Москва дарёси ва ирмоқлари (Яуза, Сатуни ва бошқа)нинг кенг водийли морена ва флювиоглясиап текисликлари чегараси ичида ўрнашган. Сувайрғичлар (шу жумладан, “етти тепалик”- Кремл –Сретен, Твер, Трѐхгорка, Таган, Лефорт, Воробѐв тепаликлари)нинг бир оз кўтарилган қисмлари дарё водийлари ва жарликлар билан алмашиб боради.



Москва шаҳри

Рельефнинг энг юқори нуқталари Теплосдан қирлари (бал. 254 мгача) кириб борган жануби-шарқ ва Смоленск – Москва қирларининг жанубий ён бағридаги Химки сув ҳавзаси ҳудудида жойлашган. Шаҳарнинг шарқий, жануби- шарқий қисмлари Мешчѐра пасттекислигининг ғарбий чеккасида ўрнашган. Москванинг марказий районларида қайта ишлаган грунт, кўчалари ва ҳ.к. қолдиқларидан таркиб топган маъданий қатламнинг қалинлиги 4-6 м

(кўмилган жарликлар, кичкина сойлар, ховуз ва ботқоқликлар ўрнида 10-20 м) га етади. 100 дан зиёд сой, шу жумладан, Неглиная ер ости қувурлари орқали ўтказилган. Москва иқлими мўътадил континентал. Қиши мўътадил совуқ. Январнинг ўртача ҳарорати $-10,2^{\circ}$. ёзи иссиқ, июлнинг ўртача ҳарорати $18,1^{\circ}$. шаҳар маркази ҳарорати чеккаларга нисбатан ўрта ҳисобда $1,5-2^{\circ}$ юқори. Йиллик ёғин 540-650 мм (энг кўпи июл – августда).

Москва шаҳри иқлимининг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткич	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь	Йиллик
Ўртача ақсимум, $^{\circ}\text{C}$	8,6	8,3	19,7	28,9	33,2	34,7	38,2	37,3	32,3	24,0	16,2	9,6	38,2
Ўртача ақсимум, $^{\circ}\text{C}$	-4	-3,7	2,6	11,3	18,6	22,0	24,3	21,9	15,7	8,7	0,9	-3	9,6
Ўртача ҳарорат, $^{\circ}\text{C}$	-6,5	-6,7	-1	6,7	13,2	17,0	19,2	17,0	11,3	5,6	-1,2	-5,2	5,6
Ўртача минимум, $^{\circ}\text{C}$	-9,1	-9,8	-4,4	2,2	7,7	12,1	14,4	12,5	7,4	2,7	-3,3	-7,6	2,7
Ўртача минимум, $^{\circ}\text{C}$	-42,2	-38,2	-32,4	-21	-7,5	-2,3	1,3	-1,2	-8,5	-20,3	-32,8	-38,8	-4,2
Ҳаётин, мм	52	41	35	37	49	80	85	82	68	71	55	52	71

Манба: Погода и Климат

Россияда илк бор барпо қилинган Лось Ороли миллий боғи Москва ҳудудида жойлашган. Москва тўғрисидаги маълумот 1147 йилдаги солномада берилган. Суздаль ва Буюк Киев князи Юрий Долгорукий анъана бўйича Москванинг асосчиси ҳисобланади. 1156 йил чамаси Боровицк тепалигида, Неглиная дарёсининг Москва дарёсига қуйилиш жойида дастлабки кўрғонча ўрнида кейинроқ Кремль номини олган ёғочтупроқдан истехком қурилган (қ. Кремль). Владимир – Суздаль Русининг чекка шаҳри ҳисобланади. Москва Черниковдан Киевга борадиган йўллар чорраҳасида шаклланди. 1237 йилда, мўғуллар босқини даврида, Ботухон қўшинларининг бостириб кириш натижасида Москва вайрон қилинди, лекин, тез орада қайта тикланиб кичикроқ удел князлигининг маркази бўлди. Москва атрофида рус ерларининг астойдил бирлаштиришни бошлашган князь И.Д. Калитанин (1325-40) фаолияти катта аҳамиятга эга бўлди. Тахминан 1326 йилда Москвага Владимир ш.дан Русь православ черкови митрополитларнинг қароргоҳи кўчирилди. Князь Д.И.Донской (1359-89) даврида Москва

мўғуллар зулмига қарши кураш марказига айланди. 1380 йилда Куликово майдонида мўғуллар кўшинини мағлубиятга учратган умумрус кўшини Москвада шаклланди. XV аср охирида Москва ягона Русь давлатининг пойтахти бўлди. 1708 йилда шаҳар Москва губернясининг маркази бўлди. Россия пойтахтининг Санкт-Петербург шаҳрига кўчирилиши (1712) билан Москва биринчи пойтахт, муҳим сиёсий, иқтисодий ва маданий марказ сифатидаги аҳамиятини сақлаб қолди. 1918 йил пойтахт яна Москвага кўчирилди. Москва 1922 йил 30 декабрда собиқ Иттифоқ пойтахти, 1991 йил 25 декабрдан мустақил Россия Федерацияси пойтахти, 1929 йилдан Москва вилояти маркази. Шаҳарда 1935 йил метрополитен ишга туширилди. Москва – мамлакатнинг йирик иқтисодий маркази. Шаҳарда авиация, ракета космик, радиоэлектроника, приборсозлик саноатларининг етакчи корхоналари жойлашган. Москвада металлургия, автомобилсозлик, енгил ва озиқ-овқат саноат тармоқлари ҳам мавжуд.



Москва давлат педагогика университети. Географиянинг долзарб муаммолари илмий конференцияси. География фанлари доктори Лаппо ва БухДУ доценти Х.Р.Тошов. 29 май, 2014 йил.



Москва давлат педагогика университети. Академик В.П.Максаковский ва БухДУ доценти Х.Р.Тошов. 29 май, 2014 йил.

Москва – Россиянинг муҳим транспорт тугуни. Шаҳардаги 9 та темир йўл вокзали орқали ҳар куни 2 млн йўловчи келиб-кетади. Москвада 3 та йирик дарё порти (Ғарбий, Шимолий ва Жанубий) бор. Москва 13 та автойўл орқали Россиянинг йирик шаҳарлари, узоқ ва яқин хориж давлатлари билан боғланган. Москва ҳаво йўлларининг энг йирик тугунидир (Шереметьево, Домодедово, Внуково, Биково аэропортлари). Москвада Россиянинг тўнғич ва энг катта масофага чўзилган (1999 йилда 160 станция) метрополитени мавжуд. Москвада Россия ФА, Россия тиббиёт фанлар академияси, Россия қишлоқ хўжалик академияси, Россия таълим академияси, Россия бадий академияси, 1000 дан зиёд илмий тадқиқот институти ва конструкторлик бюrolари, 80 дан зиёд олий ўқув юрти, шу жумладан, 13 та университет фаолият кўрсатади. Москвада 140 дан зиёд профессионал театр, 2та цирк, консерватория, киностудиялар, 70 дан ортиқ музейлар бор. 2001 йил Москвадаги Добрининск майдонида Алишер Навоийга ҳайкал ўрнатилди.

- **Осло** (1624 – 1924 йилларда Кристиания) – Норвегия пойтахти. Ослофьорд соҳилида, 300 – 400 м баландликда. 40 дан ортиқ ороллар ҳам Осло шаҳрига тегишли. Шаҳар атрофида 343 та қўллар жойлашган бўлиб, улар ичимлик суви манбаидир. Иқлими мўътадил. Ёз салқин, қиш мўътадил. Январнинг ўртача ҳарорати – 5⁰, июлники 16⁰; метокузатувлар тарихида

бирор марта ҳарорат 35 °C дан юқори кўтарилмаган ва бирор марта –26 °C дан пастга тушмаган. Йиллик ўртача ёғин 805 мм.

Осло шаҳри иқлимнинг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткич	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь	Йиллик
Ўртача абсолют максимум, °C	12,5	13,8	21,5	25,4	29,8	33,7	33	34,2	26,4	21	14,4	12,6	34
Ўртача абсолют минимум, °C	–0,4	0,5	4,4	10	16,5	20	22,3	20,9	15,7	9,4	3,9	0	10
Ўртача ҳарорат, °C	–2,9	–2,6	0,7	5,4	11,2	14,9	17,2	16	11,4	6,3	1,5	–2,4	6
Ўртача минимум, °C	–5,3	–5,3	–2,4	1,7	6,7	10,6	13	12,2	8	3,8	–0,6	–4,7	3
Ўртача максимум, °C	–26	–24,9	–21,3	–14,9	–3,4	0,7	3,7	3,7	–3,3	–8	–16	–20,8	–
Ҳаётли, мм	54	41	49	47	54	72	84	100	87	90	78	51	80
Сув ҳарорати, °C	5	4	4	6	10	14	17	17	15	12	9	6	1

Манба: Погода и Климат

Аҳолиси 623,9 минг киши (2013). Осло сўзининг маъноси os – “дарё куяр жойи, мансаби”, Lo – дарё номи. Шаҳарга 1048 йилда асос солинган. XIII асрнинг охири – 1380 йилларда Норвегия қиролларининг қароргоҳи. 1572 йилдан Данияга қарашли Норвегиянинг маъмурий маркази. 1624 йилги ёнғиндан сўнг шаҳар эски ўрнидан навроқда қайта қурилган ва Кристиания деб номланган. 1924 йилдан Осло деб атала бошлади. 1814 йилдан мамлакат пойтахти. 1940 йил 9 апрелдан 1945 йил 8 майгача шаҳарни немис фашистлари қўшини оккупация қилиб турган.

Осло – Норвегиянинг энг катта иқтисодий ва маданий маркази, йирик денгиз порти. Осло порти орқали мамлакат ташқи савдо юқларининг 1/3 қисми ўтади. Темир йўл тугуни. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Осло ва унинг атрофидаги корхоналар Норвегияда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотининг 25 %ини беради. Машинасозлик ва металлсозлик саноати тармоқлари ривожланган. Энергетика ва кема таъмирлаш, электротехника ва

радиоэлектроника, металлургия, ёғочсозлик, тўқимачилик, полиграфия, озиқ-овқат ва бошқа саноат корхоналари бор.

Меъморий ёдгорликлардан Қирол саройи, собор, Миллий театр университет биолари, ратуша ва бошқалар сақланган. Шаҳарда боғ кўп. Университет (1811), консерватория, драма ва опера театрлари, Норвегия ФА, музейлар, Миллий галерея бор. Богдё ярим оролидаги музейда Ф. Нансен ва Р. Амундсенларнинг “Фрам” кемаси, Т. Хейердалнинг “Кон-Тики” соли сақланмоқда.



Викинглар кемаси

Осло чанғи спорти марказларидан. 1952 йилда Ослода VI қишки Олимпиада бўлиб ўтди.

- **Париж** – Франциянинг пойтахти.

Париж – мамлакатнинг йирик сиёсий, иқтисодий ва маданий маркази. Дунёдаги катта ва гўзал шаҳарлардан. Иль-де-Франс тарихий вилоятининг бош шаҳри. Майдони 105,40 км². Париж Ла-Манш бўғозидан 145 км узрқликда. Сена дарёси соҳилида. Иқлими юмшоқ, мўътадил денгиз иқлими. Январнинг ўртача ҳарорати 3,4°, июлники 18,8°; йиллик ўртача ёғин 645 мм. Энг паст ҳарорат (−23,9 °С) 10 декабрь 1879 йилда, энг юқори ҳарорат (40,4 °С) 28 июль 1947 йилда кузатилган.

Париж шаҳри иқлимининг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь	Йилли
Ўртача абсолют максимум, °С	15,3	20,3	24,7	27,8	30,2	34,4	35,4	39,3	32,7	28,0	20,3	17,1	39,3
Ўртача абсолют минимум, °С	6,3	7,9	11,0	14,5	18,1	21,6	23,9	23,6	20,8	16,0	10,1	7,0	15,0

м, °С													
ртача рорат, °С	4,2	5,3	7,8	10,6	14, 3	17,4	19, 6	19,2	16,7	12,7	7,7	5,0	11
ртача нимум , °С	2,0	2,6	4,5	6,7	10, 1	13,2	15, 2	14,8	12,6	9,4	5,2	2,9	8
тутлок нимум , °С	-13, 9	-9,8	-8, 6	-1,8	2,0	4,2	9,5	8,2	5,8	0,4	-4, 2	-25 ,6	-2 ,0
ин, мм	55	45	52	50	62	53	58	46	53	55	57	55	64

Манба: Погода и Климат



Париж шаҳри

Аҳолиси 2,2 млн киши, атрофидаги шаҳарлар билан Катта Парижни (аҳолиси 10,6 млн киши) ташкил этади (2011).

Милоддан аввал I асрда ҳозирги Париж ўрнида галлар қабиласи бўлган паризийларнинг Лютеция қишлоғи бор эди; римликлар даврида йирик савдо маркази, милоднинг III – IV асрларида Паризия деб аталган (Париж номи шундан олинган). Паризия қабиласи номидан олинган деган тахминлар ҳам мавжуд. 497 йилдан франк қироллари қароргоҳи. Каролинглар даврида – графлик маркази. 885 – 886 йилларда Париж норманнлар қамалига бардош берган. 987 йилдан Париж француз қироллиги пойтахти. Париж юз йиллик уруш даврида (1337 – 1453) инглизлар томонидан босиб олинб, 1436 йилгача улар қўлида бўлган. Франция – Пруссия уруши (1870 – 1871) даврида Парижни немис қўшинлари босиб олган. Иккинчи жаҳон уруши даврида Париж 1944 йил 19 – 25 августда гитлерчилардан озод қилинган. Париж мамлакатда ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотининг 1/4 қисмини беради. Машинасозлик, металлсозлик, кимё, енгил, озиқ-овқат ва қурилиш саноатлари тармоқлари жойлашган. Айниқса, Париж самолётсозлик, ҳарбий саноат, галантерия ва парфюмерия маҳсулотлари билан жаҳонга машҳур. Парижга ҳар йили томоша қилиш учун миллионлаб турист – сайёҳлар ташриф буюришади.

Париж – транспорт йўлларининг йирик тугуни, дарё порти. Шаҳардан 11 томонга радиал кетган темир йўллар 2 қатор ҳалқа йўл билан бирлаштирилган. 3 та йирик аэропорт бор. Парижда 1900 йилдан метрополитен ишламоқда.

- **Прага – Чехия** пойтахти.

Мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, илмий ва маданий маркази. Влтава дарёсининг икки соҳилида. Иқлими мўътадил, континентел; январнинг ўртача ҳарорати 0°, июлники 19,2°. йиллик ёғин 500 мм.

Прага шаҳри иқлимининг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь	Йилли
Ўртача абсолют максимум, °C	17,4	19,2	22,5	28,8	32,5	37,2	37,8	37,4	33,1	27,0	19,5	17,4	37,2
Ўртача абсолют максимум, °C	1,3	3,0	8,1	14,3	19,2	21,8	24,4	23,8	18,9	13,1	6,0	2,0	19,2
Ўртача ҳарорат, °C	-1,4	-0,4	3,6	8,4	13,4	16,1	18,2	17,8	13,5	8,5	3,1	-0,3	8,4
Ўртача минимум, °C	-4	-3,6	0,0	2,9	8,2	10,8	12,7	12,6	8,8	4,7	0,6	-2,7	4,7

Ўтлоқ минимум , °C	-27, 5	-27,1	-27 ,6	-8	-2, 3	1,9	6,7	6,4	0,7	-7, 5	-16 ,9	-24 ,8	-2
Ҳин, мм	22	23	28	28	73	66	79	65	42	27	30	28	50

Манба: Погода и Климат

Аҳолиси 1,3 млн. киши (2013).

Алоҳида маъмурий бирлик қилиб ажратилган. Шаҳар тарихий манбаларда 928 йилдан тилга олинган. 10- асрдан Чехия давлатининг пойтахти. Прага Европадаги йирик шаҳарлардан бўлган. Ўттиз йиллик уруш (1618-48)дан кейин Праганинг мавқеи пасайган. 19-аср ўрталаридан йирик саноат шаҳрига айланди. 1918 йилдан Чехословакия Республикаси пойтахти. 1939 йилдан Прагани немис фашистлари босиб олган. 1945 йил 9 майда улардан озод қилинди. 1993 йилгача Чехословакия пойтахти. Прага – халқаро аҳамиятга эга транспорт йўллари тугуни. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Прага мамлакатда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотининг 1/10 қисмини беради. Машинасозликнинг турли соҳалари; автомобилсозлик, самолётсозлик, моторсозлик, станоксозлик, электротехника, радиоэлектроника саноатлари ривожланган. Кимё, тўқимачилик, тикувчилик, полиграфия, озиқ-овқат саноати корхоналари ишлаб турибди. Метрополитен қурилган. ФА, Мусиқа санъати ва Тасвирий санъат академиялари, университетлар, шу жумладан, Карл университети (1348), миллий музей, миллий галерея, шаҳар музейи, 25 дан ортиқ театр ва бошқа бор. Прага 10 – 18 асрларга оид меъморий ва тарихий обидалар сақланган. Вишеград қалъси, готика собори (12-18-асрлар), Бельведер саройи (16–аср) ва қадимги майдонлар бор. Янги турар жой бинолари, замонавий меҳмонхоналар ва бошқа жамоат бинолари қурилган.

• **Рейкьявик** – Исландиянинг пойтахти.

Рейкьявик инглизча – reyk`ya – “буғ”, “тутун” ва vik – “қўлтиқча”, “қишлоқ” сўзларидан ясалиб, гейзерлар – иссиқ булоқлар кўплигидан “булоқ отилиб турадиган жой” деган маънони билдиради. Дунёдаги энг шимолда жойлашган пойтахт. Мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий маркази. Исландия оролининг жануби-ғарбий қисмида, Атлантика океанининг Фахсафлоуий қўлтиғи соҳилида жойлашган. Иқлими қиши субарктика денгиз иқлими. Январнинг ўртача ҳарорати 0,4⁰, июлда 11-12⁰. қишда қўлтиқ суви музламайди. Йиллик ёғин 800 мм. Аҳолиси 118,2 минг киши (2012).

Рейкьявик шаҳри иқлимининг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткич	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь	Йилли
Ўтлоқ	11,6	10,2	13	14,7	20,	24,3	28,	24,8	20,1	16,6	13,3	12	28

аксимум, °C					6		2						
ортача аксимум, °C	2,5	2,8	3,4	6,1	9,7	12,4	14,2	13,6	10,9	7	4,2	3,1	7
ортача фурат, °C	0	0,1	0,6	3	6,6	9,5	11,2	10,7	8	4,4	1,9	0,6	4
ортача минимум, °C	-2,4	-2,4	-1,9	0,5	3,8	7	8,8	8,4	5,7	2,2	-0,5	-1,8	2
Тутлок минимум, °C	-19,7	-19,4	-16,4	-16,4	-7,7	-0,7	1,4	-0,4	-4,4	-10,6	-15	-16,8	-1
ин, мм	84	86	81	60	53	45	51	67	73	74	80	94	84
Сув фурати, °C	4	3	3	3	4	6	8	8	7	5	5	4	5

Манба: Погода и Климат



Рейкьявик шаҳри

Рейкьявик – трансатлантика йўлидаги муҳим порт. Транспорт йўллари тугуни. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Рейкьявик – балиқ саноати саноати ва савдосининг жаҳонда энг йирик марказлардан. Шаҳар саноати, асосан,

балиқ хўжалиги ва балиқ овлаш флотига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ. Озиқ-овқат саноатига балиқ уни, мойи ва бошқалар ишлаб чиқарилади. Кема верфи, пойабзал, тўқимачилик саноати корхоналари, алюминий, цемент заводлари ишлаб турибди. Балиқ саноати учун жиҳозлар ишлаб чиқарилади. Майиший эҳтиёжлар ва уйларни иситиш учун қайноқ ер ости сувларидан фойдаланилади. Университет, педагогика институти, метеорология, паталогия ва бактериология институтлари; йирик кутубхоналар, музейлар бадий галерея, миллий театр бор. Шаҳар ўрнида 17-асргача қишлоқ бўлган. 1920 йилдан Исландия республикаси пойтахти.

- **Рига** – Латвия республикасидаги шаҳар. Республика пойтахти.

Маҳаллий тилда рига “тирсак”, “дарёнинг бурилиш жойи” деган маънони билдиради.

Йирик индустриал, илмий ва маъданий марказ, темир йўл тугуни, денгиз порти. Даугава (Ғарбий Двина) дарёси соҳилида, унинг Рига қўлтиғига қуйилиш жойида. Январнинг ўртача ҳарорати $-4,5^{\circ}$, июлники 18° . йиллик ёғин миқдори -649 мм. Майдони 307 км. Аҳолиси 641 минг кишидан зиёд (2015).

Рига шаҳри иқлимнинг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь	Среднегодовая
Мутлоқ максимум, $^{\circ}\text{C}$	10,2	13,5	20,5	27,9	30,4	32,5	34,1	33,6	29,4	23,4	17,2	11,8	17,5
Ўртача максимум, $^{\circ}\text{C}$	-0,5	-0,4	4	11,1	17,3	20,3	22,9	22	16,5	10,5	4,1	0,6	10,7
Ўртача ҳарорат, $^{\circ}\text{C}$	-2,7	-3	0,5	6,3	12,0	15,4	18,2	17,3	12,4	7,3	2,1	-1,5	7,5
Ўртача минимум, $^{\circ}\text{C}$	-5	-5,7	-2,6	2	7,1	10,9	13,7	13,0	8,7	4,6	0,1	-3,6	5,5
Мутлоқ минимум, $^{\circ}\text{C}$	-33,7	-34,9	-23,3	-11,1	-5,3	-1,2	4	-0,5	-4,1	-8,7	-18,9	-31,9	-18,9
Ёғин, мм	39	32	35	34	48	70	82	76	71	74	58	50	60
Сув ҳарорати	0	0	1	5	10	17	21	23	21	15	10	5	10

Манба: Погода и Климат



Рига порти



Рига шаҳри. Латвия университети профессори Марис Клавниус, БухДУ доценти Х.Тошов ва ўзбекистонлик меҳмонлар. 2013 йил, сентябрь.

Олти шаҳар туманидан иборат. Археологик маълумотларга кўра, Рига 10-11 асрларда вужудга келган. 13-16 асрларда Рига архиепископлигига бўйсундирилган. 14-аср бошида Ганза таркибига кирган. 1561 йилгача Ливон ордени таркибида. 1561 йилдан эркин шаҳар, савдо ва ҳунармандчилик марказига айланган. 1581 йилда Речь Посполита ҳукумронлиги остига ўтган. 1621 йил шведлар томонидан босиб олинган. Риганинг Шимолий уруш даврида 1710 йил 14-июлда рус кўшинлари эгаллаган. 1714 йилдан Лифляндия губернясининг маркази. 18-аср охирида Рига Россиянинг энг йирик порти ва савдо маркази. 19-аср охири- 20-аср бошларида йирик саноат марказларидан бири. Рига 1919 йилдан Латвия Республикаси пойтахти, 1940 – 90 йилларда Латвия ССР пойтахти, 1990 йил майдан мустақил Латвия пойтахти. Машинасозлик ва металлсозлик, шу жумладан, электротехника ва радиоэлектроника, кимё ва кимё – фармацевтика, ёғочсозлик, енгил, озиқ-овқат саноатлари бор. Парфюмерия – косметика заводи фаолият кўрсатади, қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Рига – балиқ саноатининг йирик маркази. Консерва-кулинария ва сардина заводлари, балиқчилик портида трал рефрижератор флоти базалари ишлаб турибди. Рига порти муҳим аҳамиятга эга. Даугава кемалари қатнайди. 2 аэропорт бор. Шаҳар эски ва янги қисмларга бўлинади. Эски Рига ҳудудида ўрта аср меъморий ёдгорликлардан Дом черкови (13-аср), Ян (манбаларда дастлаб 1297 йилда тилга олинган) ва Петер (13-15 аср бошлари) черковлари, Орден қасри (14-19 асрлар), 15-18 асрлар турар жойлари, Биродарлик қабристонини мемориал мажмуи (1924 36- йиллар) ва бошқалар сақлаб қолинган. Ригада 7 олий ўқув юрти (шу жумладан, Латвия университети, Рига техника ун-ти, консерватория), Рига БА (Европада энг кўхна академиялардан), 21 музей (шу жумладан Латвия тарихи музейи, Табиат музейи, Адабиёт ва санъат тарихи музейи, Бадиий музей, Этнография музейи ва бошқа), 9 театр (шу жумладан, Латвия Миллий операси театри), филармония, цирк, телемарказ, киностудия бор. Шаҳар марказида 2004 йил апрелда Мирзо Улуғбекка ҳайкал ўрнатилган. Рига яқинда Юрмала курорти фаолият кўрсатди.

• **Рим** – Италиянинг пойтахти.

Асл номи Римо – ҳозирги Тибр дарёси номидан олинган. Дарё номи эса унинг қирғоқбўйларида яшаган қадимги “румо” қабиласи номидан олинган. Рим провинцияси ва Лацио вилоятининг маъмурий маркази. Римнинг ғарбий қисмида Ватикан шаҳар-давлати жойлашган. Рим – мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий маркази. Рим – дунёдаги энг қадимий ва тарихий ҳамда маданий ёдгорликларга бой шаҳарлардан бўлиб, “мангу шаҳар”, “абдий шаҳар” номини олган. Шаҳар вулканик келиб чиққан сертепа текисликда, Тибр дарёсининг ҳар икки соҳилида, унинг Тиррен денгизига қуйилиш ерида жойлашган. Ёки Рим етти тепаликдаги шаҳар ҳам дейилади.

Ўрта денгизга хос иқлим, январнинг ўртача ҳарорати $6,8^{\circ}$, июлники 26° . йиллик ёғин миқдори 500 мм дан зиёд, асосан, кузда ёғади. Қишда совуқ трамонтана, ёзда қуруқ ва иссиқ сирокко шамоллари эсади. Аҳолиси 2,7 млн кишидан зиёд (2014). XIX асргача Рим аҳолиси секин кўпайган. 1871 йилда Рим Италия қироллиги пойтахти деб эълон қилинган, аҳоли тез суръатларда ўсди.

Рим шаҳри иқлимнинг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткич	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь	Йилли
Ўртача максимум, $^{\circ}\text{C}$	20,8	21,6	26,6	27,2	33,1	37,8	39,4	40,6	38,4	30,7	26,5	20,3	26,5
Ўртача максимум, $^{\circ}\text{C}$	12,0	12,8	15,4	18,1	23,1	27,0	30,2	30,4	26,4	21,9	16,5	12,8	12,8
Ўртача ҳарорат, $^{\circ}\text{C}$	8,1	8,5	10,8	13,6	17,7	21,4	24,2	24,5	21,1	17,4	12,7	9,3	8,1
Ўртача минимум, $^{\circ}\text{C}$	3,3	3,4	5,5	8,0	12,0	15,8	18,5	18,8	15,7	12,2	7,8	4,9	3,3
Ўртача минимум, $^{\circ}\text{C}$	-11	-6,9	-6,5	-2,4	1,8	5,6	9,1	9,3	4,3	0,8	-5,2	-5,6	-5,6
Ҳаётин, мм	55	59	53	63	32	20	13	18	63	105	94	89	55

Манба: Погода и Климат



Рим. Авлиё Пётр майдони

“Рим” номи шаҳарнинг афсонавий асосчиларидан бири бўлган Ромул номи билан боғлиқ. “Бўри эмизиб катта қилган болалар – Ромул билан Рем – милоддан 750 йил аввал бунёд этган” деган афсоналар ҳам мавжуд. Қадимий манбаларга асосан Римга милоддан аввал 754 – 753 йилларда асос солинган. Кичикроқ шаҳар-давлат ҳисобланган Рим Апеннин ярим ороли, кейинроқ атрофдаги ҳудудларни секин-аста ўзига бўйсундирган ҳолда Ўрта денгиз бўйидаги улкан қадимги Рим давлатининг пойтахтига айланди. Антик Рим йирик шаҳар бўлиб, ўзининг жуда кўп ибодатхона, сарой, йўллари билан машҳур. 330 йил пойтахт Римдан Константинополь шаҳрига кўчирилди. 529 йилдан Рим Византия ҳукумронлиги остига ўтди. 568 йилдан VIII аср ўрталаригача шаҳарни Рим епископлари – папалар бошқардилар. 756 йилдан Папаликнинг пойтахти бўлгач, шаҳар Ғарбий Европанинг сиёсий-диний марказига, Рим папаларининг қароргоҳига айланди. Ўрта асрлар давомида Рим учун Папа ҳокимияти ва “Муқаддас Рим империяси” императорлари ўртасида кураш давом этган. 1143 йилда Папа ҳокимиятига қарши кураш натижасида Римда республика ўрнатилди. Рим 1871 йилдан Италия қироллиги пойтахти. 1943 – 1944 йилларда Римни немис фашистлари босиб олган. 1946 йилдан Рим – Италия Республикаси пойтахти.

Рим – мамлакатнинг муҳим саноат, молиявий, илмий ва маданий марказ. Италияда энг йирик транспорт йўлларининг тугуни. Халқаро аҳамиятга эга 2 та аэропорт бор. Метрополитен қурилган (1927 – 38). Саноатнинг етакчи тармоғи – машинасозлик, кимё, фармацевтика, полиграфия, тикувчилик, озиқ-овқат, мебель ва қурилиш саноати ривожланган. Рим – кино саноати

маркази сифатида ҳам машҳур. Меъморий ёдгорликлар шаҳарнинг 3 минг йиллик тарихини, унинг мураккаб ва такрорланмас шаҳар эканлигини акс эттириб туради.

Рим – халқаро туризмнинг энг йирик марказларидан (йилига 3 млн дан ортиқ сайёҳ келиб-кетади).

- **Сан-Марино** – Сан-Марино давлати пойтахти.

Сан-Марино милоднинг IV асрида Марино исмли киши диндорлар жамиятини қуриш мақсадида бунёд этган. Шунинг учун унинг номига Сан-Марино – “Муқаддас Марино” деб аталган. Аҳолиси 4,1 минг киши (2010). Монте-Титано қирларида жойлашган.

Сан – Маринода ҳукумат ва давлат муассасалари, типография, газета таҳририятлари жойлашган. Музей, кутубхона бор. Туризм ривожланган. Меъморий ёдгорликлардан черков, монастырь, ҳукумат саройи, собор сақланган.

Сан-Маріно шаҳри иқлимнинг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь	Йилли
Ўртача максимум, °C	7,5	5,6	7,8	9,9	14,3	19,3	23,4	26,4	26,3	22,4	16,4	11,5	15,5
Ўртача ҳарорат, °C	5,0	3,5	4,9	7,4	11,0	15,4	19,3	22,2	22,2	18,8	13,6	8,9	12,0
Ўртача минимум, °C	2,3	0,7	1,9	4,0	7,3	11,4	15,3	17,9	18,0	15,1	10,5	6,1	9,0
Ҳисоби, мм	59	59	62	66	62	60	56	78	78	87	99	71	87

Манба: Погода и Климат



Сан – Марино шаҳри

- **Сараево** – Босния ва Герцеговина пойтахти.

Тоғ оралиғидаги сойликда, Миляцка дарёси бўйида жойлашган. Аҳолиси 369,7 минг киши (2013). Транспорт йўллариининг муҳим тугуни. Аэропорт халқаро аҳамиятга эга.

Сараево мамлакатнинг йирик савдо ва саноат маркази. Машинасозлик (автомобилсозлик, электротехника, радиоэлектроника), кимё, тўқимачилик, кўн-пойабзал, ёғочсозлик, озиқ-овқат саноати корхоналари бор. Ҳунармандчилик ривожланган, гилам тўқилади. Фан ва санъат академияси, университет (1946), илмий тадқиқот институтлари, кутубхоналар, кўтиналар галереяси, музей ва театрлар бор. Туризм маркази. Шаҳар яқинида Илижа курорти жойлашган. Шаҳар 1244 йилдан Врхбосна номи билан маълум. 1435 йилдан Усмонли турклар қўл остида бўлган. 1507 йилдан Сараево (туркча - сарай- сарой) деб аталган. Сараевода Шарқ меъморлиги услубида қурилган Хисравбек масжиди (1531), Алипошшо масжиди (1561) сақланган. Замонавий маъмурий ва тузар жой биноси кўп. Сараево қишки спорт ўйинлари маркази. 1984 йилда 14-қишки Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтган.

Сараево шаҳри иқлимининг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткич	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь	Йилли
Ортача ақсиму	2,7	5,9	10,4	15,1	20,3	23,1	25,5	25,7	22	16,5	9,7	3,5	13,5

м, °С													
ртача нимум , °С	-4,4	-2,3	0,6	4,4	8,5	11,4	12, 8	12,6	9,7	5,7	1,6	-2, 8	4
ин, мм	71	67	70	74	82	91	80	71	70	77	94	85	50

Манба: Погода и Климат



Сараево

- **Скопье** – Скопле – Македония пойтахти, Вардар дарёси бўйида. Скопье – мамлакатнинг саноат маркази, транспорт йўллари тугуни. Аҳолиси 670,2 минг киши(2013). Мамлакатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 1/2 қисми Скопьега тўғри келади. Metallургия, машинасозлик, кимё (пластмасса, синтетик тола, минерал ўғитлар), фармацевтика, тўқимачилик, кўн-пойабзал, озиқ-овқат (тамаки, мева-сабзавод консерваси), ёғочсозлик саноати корхоналари мавжуд. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Гилам тўқилади.

Скопье шаҳри иқлимнинг асосий кўрсаткичлари

рсатки ар	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь	Йилли
ртача	4,0	8,4	13,	18,6	23,	27,4	29,	30,0	26,1	19,5	11,2	5,3	18

аксиму м, °С			6		9		8						
ртача нимум , °С	-3,6	-1,3	1,9	5,4	10, 0	13,0	14, 8	14,6	11,4	6,3	1,4	-2, 2	6
ин, мм	36	36	40	40	60	46	34	27	36	42	56	51	51

Манба: Погода и Климат



Скопје кўргони

Скопје – Македония маданияти маркази; Македония фанлар ва санъат академияси, университет, бадий галерея, рахеология ва этнография музейлари, театр бор. Шаҳарга 6-асрдан антик Скупи шаҳри яқинида асос солинган. 9-10 асрларда Скопьеда 1- болгар қироллиги, 13-аср охиридан Серб давлати ҳукмронлик қилган. Шаҳар 1392-1912 йилларда турклар қўл остида бўлган. 1913 йилда Сербия қироллиги, 1918 йилдан Серб, хорват ва словенлар қироллиги (1929 йилдан Югославия) таркибида. 2- жаҳон уруши даврида немис фашистлари босиб олган. 1963 йилдан Югославия таркибидаги Македония, 1991 йилдан мустақил Македония республикаси пойтахти.

- **София** – Болгария пойтахти.

София сойлигининг жанубий чеккасида, Витоша тоғи этакларида, 530 – 650 м баландликда жойлашган. София вилоятининг маъмурий маркази. Банкя,

Нови-Искир ва бошқа шаҳарлар билан алоҳида маъмурий бирлик – Катта Софияни ташкил этади. Аҳолиси 1,4 млн киши (2015). Иқлими мўътадил континентал иқлим, январнинг ўртача ҳарорати 2⁰, июлники 20⁰. йиллик ёғин миқдори 600 – 650 мм дан зиёд. Шаҳарнинг шарқий чеккасидан Искир дарёси оқиб ўтади, шаҳар атрофларида минерал булоқлар кўп. София Ғарбий ва Марказий Европа мамлакатларини Яқин Шарқ мамлакатлари билан боғлаб турувчи водийлар орқали ўтган қадимий йўллар устида жойлашган транспорт йўллари тугуни. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Шаҳарга Сердика номи билан милoddан аввал I асрда асос солинган ва Рим, кейинроқ Византияга қарашли Болқон ерларининг муҳим маъмурий маркази ва савдо пункти бўлган. Средец номи билан Биринчи Болгар қироллиги (681 – 1018) таркибига кирди. 1018 – 1194 йилларда Византия ҳукмронлиги остида бўлган. XIV аср охиридан София деб (Аё София черкови номидан) аталиб келинмоқда. Айрим манбаларда эса София – маҳорат, донишмандлик маъносини англатади деб қайд этилган. 1382 йилда Софияни турклар босиб олди ва Румайла бекларбеклигининг қароргоҳига айлантирди. XVI – XVIII асрларда София Болқон ярим оролининг Истамбулдан кейин 2-ўриндаги йирик хунармандчилик ва маданий маркази бўлган. 1877 – 78 йилларда рус қўшинлари Софияни турклардан озод қилди. 1879 йилдан Болгария пойтахти.

София шаҳри иқлимининг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткич	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь	Йилли
Ўртача ақсимум, °C	17,8	22,0	27,5	30,3	34,0	38,0	41,0	39,4	36,1	33,9	25,5	21,3	41
Ўртача ақсимум, °C	4,0	5,8	12,1	16,6	21,9	25,4	28,4	28,5	23,3	17,7	11,1	4,5	16
Ўртача ҳарорат, °C	0,5	1,5	6,8	11,1	16,0	19,5	22,0	22,0	17,2	12,2	6,7	0,8	11
Ўртача минимум, °C	-3,6	-2,2	1,6	5,6	10,1	13,3	15,5	15,4	11,2	6,7	2,2	-2,4	6
Ўртача минимум, °C	-24	-25	-16,1	-6	-2	1,4	4,0	3,9	-1	-6	-15	-20	-
Ҳис, мм	28	31	38	51	73	75	63	51	38	35	48	40	5

Манба: Погода и Климат

София – мамлакатнинг иқтисодий, илмий ва маданий маркази. Мамлакатда ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотининг 1/6 қисми Софияга тўғри

келади. Машинасозликнинг турли тармоқлари, хусусан, электротехника ва радиоэлектроника, станоксозлик ва приборсозлик, кўтарма-транспорт ускуналари ишлаб чиқариш, металлургия, кимё, резина, целлюлоза-қоғоз, полиграфия, енгил ва озиқ-овқат саноат корхоналари фаолият кўрсатади.



Болгария Фанлар Академияси

Софияда Болгария ФА, университет, институтлар, география жамияти, консерватория, бадиий галерея, археология, этнография, музейлар, театрлар бор. Меъморий ёдгорликлардан Аё София черкови (V – VI асрлар), Александр Невский мақбара-ҳайкали (1904 – 12) ва бошқалар сақланган.

- **Стокгольм** – Швеция пойтахти.

Стокгольм швед сўзидан таржима қилинганда “Устундаги орол”, ёки “Қўлтиқдаги орол” деган маънони англатади.

Стокгольм шаҳри иқлимнинг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь	Йилли
Ўрталик ҳарорат, °C	11,5	12,7	18,3	27,0	28,6	32,0	34,2	35,1	27,9	20,9	13,4	12,4	35,1
Ҳарорат амплитудаси, °C	0,3	0,6	4,1	10,3	16,	20,0	22,	21,4	16,2	10,2	4,7	1,4	10,3

аксимум, °C					3		9						
ўртача ҳарорат, °C	-2,3	-2,5	0,2	4,9	10,3	14,4	17,4	16,5	12,0	7,2	2,5	-0,9	6
ўртача минимум, °C	-5,1	-5,5	-2,8	0,7	5,6	10,0	13,2	12,4	8,1	4,1	0,0	-3,7	3
Ўтлоқ минимум, °C	-29,1	-28	-23,5	-10,5	-4,6	0,3	3,4	2,6	-3,9	-10	-18,3	-24,6	-2
Ҳисин, мм	39	27	26	30	30	45	72	66	55	50	53	46	5
Ҳуваинг ҳарорати, °C	3	2	2	2	5	10	15	16	13	9	6	4	1

Манба: Погода и Климат

Стокгольм – мамлакатнинг иқтисодий ва маданий маркази. Меларен кўлини Болтик денгизининг Сальтшён кўлтиғи билан боғловчи дарё бўйида ва қирғоққа ёндош оролларда жойлашган. Иқлими мўътадил океан иқлими, киши нисбатан юмшоқ, январнинг ўртача ҳарорати – 3⁰, ёзи салқин, июлники 18⁰, серёмғир ва кучли шамоллар бўлади. Йиллик ёғин миқдори 600 мм. Атрофидаги кичик шаҳарлар билан бирлашиб, Катта Стокгольм агломерациясини ташкил қилади. Аҳолиси 921,2 минг киши, шаҳар атрофи билан 2,1 млн киши (2015). Қадимда (милoddан аввал I асрда) Стокгольм ўрнида қишлоқ бўлган. Стокгольм ҳақидаги илк маълумотлар 1252 йилга оид манбаларда учрайди. XIII аср ўрталарида шаҳар ҳукуқини олган, XIV асрдан Швециянинг бош шаҳри. Ўрта асрларда Стокгольм ҳунарманчилик маркази, муҳим савдо порти бўлган. 1900 йилдан саноати жадал ривожланди. Шаҳар темир йўл орқали Гётеборг, Мальмё ва бошқа шаҳарлар билан боғланади. Стокгольмда халқаро конгресс, конференция ва музокаралар ўтказилади. Катта Стокгольм мамлакатда ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотининг 10 % ини беради. Машинасозликнинг турли тармоқлари, хусусан, электротехника ва радиоэлектроника, транспорт машиналари, озиқ-овқат саноати учун ускуналари ишлаб чиқариш, компрессорлар, фармацевтика, кимё, полиграфия, енгил ва озиқ-овқат саноат корхоналари фаолият кўрсатади.



Стокгольм. Миллий музей

Стокгольмда йирик банклар, саноат компанияларининг бошқарув органлари жойлашган. Стокгольм порти юк ортиб-тушириш бўйича мамлакатда 4-ўринда. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Метрополитен қурилган (1973). Узунлиги 105,7 км бўлиб, 100 та бекатдан иборат.

Шаҳарнинг тарихий қисми – Эски шаҳар ўрта аср кўринишини сақлаб қолган. Шаҳарнинг савдо-маъмурий ва маданий маркази Нормальмда риксдаг биноси, банк ва концеринлар бошқарув органлари, университет биноси, опера театри, марказий вокзал ва бошқалар жойлашган.

Стокгольм – мамлакатнинг маданий ва илмий маркази. Стокгольм университети, олий техника мактаби, тиббиёт институти, Швеция ФА,

Қироллик адабиёт, тарих ва осори-атиқалар академияси, Қишлоқ хўжалик академияси, расадхона, музейлар, кутубхоналар бор. Стокгольмда 25 тадан ортиқ театр, цирк академияси фаолият кўрсатмоқда. 1912 йилда Стокгольмда V Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтган.

• **Таллин – (собик Ревель) – шаҳар, Эстония пойтахти.**

Таллин эстон тилидан ўйирганда “Қишки шаҳар” деган маънони англатади. Йирик индустрия, илмий ва маъданий марказ, транспорт йўллари тугуни, денгиз порти. Аэропорт бор.

Таллин шаҳри иқлимнинг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь	Йилли
Ўрта оқсимум, °C	9,3	10,1	15,9	27,2	31,4	31,2	34,3	33,9	28,5	22,0	13,7	10,6	34
Ўрта оқсимум, °C	-1,2	-1,6	2,3	9,2	15,2	18,8	21,8	20,4	15,2	9,4	3,4	0,3	9
Ўрта оқсимум, °C	-3,4	-4,3	-1	4,5	10,1	14,1	17,2	16,0	11,3	6,5	1,3	-1,9	5
Ўрта оқсимум, °C	-5,8	-7	-4,2	0,6	5,2	9,6	12,7	12,0	7,8	3,8	-0,8	-4,2	2
Ўрта оқсимум, °C	-31,1	-31	-25,5	-17,2	-5	0,0	4,0	2,1	-5	-10,5	-21,3	-31	-3
Ўрта оқсимум, мм	49	32	31	30	36	57	74	73	60	65	61	49	6
Ўрта оқсимум, °C	1,0	0,5	0,6	2,3	6,5	11,8	16,2	16,7	13,0	9,5	6,0	2,8	7

Манба: Погода и Климат



Таллин ботаника боғи

Фин қўлтиғининг жануби соҳилида, Таллин бухтаси ёнида жойлашган. Шаҳарнинг шимоли-шарқий (Прита) қисмидан Прита дарёси оқиб ўтади. Иқлими денгиз иқлим. Февралнинг ўртача ҳарорати $-5,8^{\circ}$, июлники $16,4^{\circ}$. йиллик ёғин 600 мм гача. Майдони $145,9 \text{ км}^2$. Аҳолиси 404 минг киши (2000). Шаҳар 4 маъмурий туманга бўлинган. Археологик маълумотларга кўра, шаҳар 10-асрда вужудга келган. Дастлаб, Идрисийнинг 1154 йилда тузилган дунё харитаси Коливань (халқ эпоси қаҳрамони- Калева) номи билан тилга олинган. 1219 йилда данияликлар ҳозирги Таллин ўрнидаги эстонларга қарашли кўҳна шаҳарни босиб олиб, унга Ревал (Равель) деб ном бердилар. Бироқ эстонлар шаҳарнинг янги номини қабул қилмай, уни Таллин (Таани линна- Дания шаҳри) деб ата бошладилар. Таллин савдо-хунармандчилик маркази ва денгиз порти сифатида тез ривожланди. 1285 йилда Ганза иттифоқига кирди, 13-14-асрларда Болтиқ бўйидаги энг йирик шаҳарлардан бирига айланди. Таллинни 1710 йилда Россия босиб олган. 19-аср охири 20- аср бошларида Таллин йирик саноат марказига айланган. 1940 йил 6-августда Таллин Эстония ССР таркибига киритилди. Уруш даври (1941-45)да Таллин катта тароф кўрди. Урушдан кейин шаҳар бутунлай тикланди. Саноатининг етакчи тармоқлари; машинасозлик (кемасозлик) ва металлсозлик. Айниқса, электроника, электротехника, приборсозлик саноатлари тез ривожланмоқда. Йирик корхоналари; “Вольта” электр моторлари заводлари, электроника, радиотехника, кабель назорат-ўлчов приборлари заводлари. Машинасозлик, эксковатор, кема таъмирлаш, кимё-фармацевтика заводлари, кимё, фанер – мебель, уйсозлик, целлюза-қоғоз к-тлари, кондитер, мебель фабрикалари бор. Тўқимачилик, трикотаж, тикувчилик, кўн-пойабзал корхоналари, элеватор ишлаб турибди. Балиқ, сут, гўшт, маҳсулотлари, консервалар, турли қурилиш материаллари ишлаб

чиқариладиган ялпи саноат маҳсулотининг қарийб 2/5 қисми тайёрланади. Шаҳар тузилишида марказий ўрин эгаллаган ўрта аср қурилиши (Эски шаҳар) сақланган. Эски шаҳарнинг ўзи 2 қисм; Тоомпеа темалигидаги қисми (13-14-асрларда қурилган қаср билан) ва ундан жануби-шарқдаги Қуйи шаҳардан иборат. Дом собори (13-15 асрлар) ва бошқа бор. Қуйи шаҳарда 13-16-асрлар девор қолдиқлари, 17-аср ер ости қалъаларнинг қисмлари, ўрта асрга хос тор кўчалар ва кўплаб меъморчилик ҳамда санъат ёдгорликлари сақланиб қолган. Таллинда 4 олий ўқув юрти (политехника, пед., бадиий мусиқа ва театр санъати), бир қанча ўрта махсус ўқув юрти, Эстония ФА ва унинг ин-тлари, ботаника боғи жойлашган. 13 музей (тарих, бадиий, табиий фанлар, шаҳар, театр ва мусиқа ва бошқа), 5 театр, консерватория, филармония, “Таллинфильм” киностудияси, телемарказ бор. Шаҳар халқаро туризм маркази. Меҳмонхона, туристик база, кемпинглар фаолият кўрсатади. Таллиннинг Прита, кадрiorг боғи, Эски шаҳар қисмлари меҳмонлар ва сайёҳларнинг севимли дам олиш жойларидир.

• **Тирана – Албания пойтахти.**

Майдони 30 км². Шаҳарга 1614 йилда асос солинган, 1920 йилдан пойтахт мақомига эга.

Мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий маркази. Адриатика денгизидан 40 км масофада, тоғ оралиғидаги водийда жойлашган. Мутлок баландлиги 89 м. Тирана ретининг маъмурий маркази; алоҳида маъмурий бирлик. Аҳолиси 386 минг кишидан зиёд (2014). Иқлими субтропик, июлнинг ўртача ҳарорати 24°, январники 4-5°. йиллик ёғин 1376 мм дан зиёд.

Тирана шаҳри иқлимининг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь	Йилли
Мутлок максимум, °C	18,0	21,0	25,0	27,0	31,0	37,0	38,0	40,0	35,0	30,0	25,0	22,0	40
Ўртача максимум, °C	11,0	12,0	13,0	18,0	22,0	27,0	31,0	32,0	27,0	22,0	16,0	13,0	21
Ўртача ҳарорат, °C	6,0	7,0	8,0	12,0	17,0	21,0	24,0	24,0	20,0	16,0	11,0	8,0	15
Ўртача минимум, °C	2,0	2,0	3,0	7,0	12,0	15,0	17,0	17,0	13,0	10,0	7,0	3,0	9
Мутлок минимум, °C	-5	-6	-3	0,0	2,0	10,0	12,0	12,0	7,0	1,0	0,0	-6	-
Ҳампа, мм	120	140	100	140	14	70	30	10	40	120	150	130	12



Тирана аэропорти

Тирана- транспорт йўллари тугуни. Темир йўл орқали Дуррес порти билан боғланган. Шаҳар яқинида Ринес аэропорти бор. Тирана ва унинг атрофидаги корхоналарда мамлакат саноат маҳсулотининг 1/5 қисмини ишлаб чиқарилади. Асосий саноат тармоқлари; тўқимачилик, металлсозлик, машинасозлик, озиқ-овқат. Шунингдек, ойна –керамика ва кўн-пойабзал саноатлари ҳам ривожланган. Тирана-ёғоч, кумуш, керамика бадий ишлов бериш маркази. Тирана қўл ёзма кичик манзилгоҳ сифатида 15-асрдан тилга олинган. 17-аср бошида шаҳар барпо қилинган. 1920 йилдан Албания пойтахти. Тирана бинолари қадимги шарққа хос услубларда қурилган эски ва замонавий янги қисмдан иборат. Искандарбек майдони атрофида ҳукумат идоралари, маъмурий бинолар жойлашган. Меъморий ёдгорликлардан масжид (17-аср) ва минора сақланган. Университет (1957), Албания ФА, институтлар, миллий тарих музейи, тасвирий санъат галереяси ва бошқа бор. Тирана яқинидан кўмир қазиб олинади.

- **Хельсинки – Гельсингфорс** – Финляндия пойтахти.

Усима лянининг маъмурий маркази. Аҳолиси 630,1 минг киши (2016). Транспорт йўлларининг муҳим чорраҳаси.

Хельсинки шаҳри иқлимнинг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь	Йилли
Ўрта оқсими, °C	8,5	10,3	16,2	21,9	28,2	31,4	33,7	31,5	26,2	18,2	13,0	10,8	30,0
Ўрта оқсими, °C	-1,7	-2,2	1,5	8,0	14,8	18,8	21,9	20,0	14,7	8,8	3,3	0,1	9,0
Ўрта оқсими, °C	-5	-5,7	-1,9	4,1	10,4	14,6	17,6	15,8	10,7	5,6	0,4	-3,2	5,0
Ўрта оқсими, °C	-7	-7,9	-4,5	0,5	6,0	10,6	13,9	12,7	8,3	3,8	-1	-5	2,0
Ўрта оқсими, °C	-34,4	-33	-31,3	-19,8	-7	-0,5	4,9	2,1	-4,5	-14,5	-25,5	-35	-10,0
Ўрта оқсими, мм	53	37	36	32	37	61	66	78	63	82	72	57	60,0
Ўрта оқсими, °C	2	1	1	2	5	9	15	17	14	10	7	3	10,0

Манба: Погода и Климат



Хельсинкидаги Бош вокзал

Фин кўлтиғи порт. Мальми аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Мамлакатнинг муҳим иқтисодий, молия ва маъданият маркази. Етакчи саноат тармоғи- машинасозлик (асосан, кемасозлик, электротехника, кўтариш кранлари ва целлюлоза- қоғоз саноати учун жиҳозлар ишлаб чиқарилади). Тўқимачилик, кимё ва керамика, кўн-пойабзал, полиграфия, озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд. Институтлар, Мусиқа академияси, опера ва миллий театрлар, миллий, шаҳар, бадий, тарих- этнография музейлари, зоология ва ботаника боғлари, йирик концерт заллари бор. метрополитен қурилган. Хельсинкига 1550 йилда Ванта-йоки дарёсининг қуйилиш жойида асос солинган ва дастлаб Гамельстат деб аталган. Финляндия Россияга қўшиб олиниб (1809), Буюк Финляндия Республикаси пойтахти. Хельсинкида халқаро учрашув, съезд, конференция ва кенгашлар бўлиб ўтади, Жаҳон Тинчлик кенгаши котибияти жойлашган. Хельсинки – замонавий шаҳар. Шаҳар марказида Швед театри биноси, Сокус универмаги, Парламент биноси жойлашган. Меъморий ёдгорликлардан собор, университет биноси, президент саройи, ратуша, Шаҳар думаси уйи ва бошқа сақланган. Хельсинки – туризм маркази.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” Тошкент. “Ўзбекистон” нашриёти, - 1997. 328б.
2. Каримов И.А. БМТ Саммити Мингйиллик ривожланиш (декларацияси) мақсадларига бағишланган ялпи мажлисида сўзлаган нутқ. Халқ сўзи, 22 сентябрь, 2010 йил.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида “Мамлакатимизда демократик ислохатларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзуида маъруза. XXI Аср. № 46. 13 ноябрь, 2010 йил.
4. И.А.Каримов. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир” мавзуида маъруза. Қишлоқ ҳаёти. № 140. 8 декабрь, 2010 йил.
5. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Бухоронома. № 8-9. 26 январь, 2011 й.
6. Каримов И.А. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” давлат дастури тўғрисида. Постда газетаси. № 07. 12 февраль, 2011 й.
7. Гладкий Юю Г., Лавров С. Б. Глобальная география. 11 кл. : Учеб. для общеобразоват. учеб. заведений. – 5-е изд., перераб. – М. : Дрофа, 2001. – 352 с. : ил., карт.
- Максаковский В.П. Географическая культура: Учебник для вузов. – М.: ВЛАДОС, 1998. – 416 с.
8. Максаковский В.П. Географическая картина мира. В 2 кн. Кн. 1 ; Общая характеристика мира. –4-е изд., испр. – М. : Дрофа, 2008. – 495 с. ил., карт.
9. Максаковский В.П. Географическая картина мира. В 2 кн. Кн. II ; Региональная характеристика мира. –3-е изд., испр. – М. : Дрофа, 2007. – 480 с. : ил., карт.
10. Малая энциклопедия стран /Сост. Н.Г.Сиротенко, В.А.Менделев – 2-е изд., перераб. – М.: ООО «Издательство АСТ»; Харьков: «Торсинг», 2004. – 709, (11) с.: ил.
11. Mirakmalov M. T. Geografiyada toponimika. Toshkent., Universitet. 2008. – 80 b.
12. Назаров И. Қ. “Чўл зонаси ландшафтлари ресурсларидан самарали фойдаланишнинг географик асослари”. Республика илмий-назарий, амалий конференция материаллари. Бухоро. 1 май 2010 й.
13. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1- 12 жилдлар Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2000 – 2006 й.й.

14. A. Qayumov va boshqalar. “Jahon iqtisodiy-ijtimoiy geografiyasi”. Umumiy o`rta ta`lim maktablarining 9-sinf o`quvchilari uchun darslik. T., “O`zbekiston” NMIU, 2010. – 224 b.

15. Атлас мира. Страны и континенты. – М. : ПКО «Картография» Федеральной службы геодезии и картографии России: Издательский дом “ОНИКС 21 век”, 2003. – 96 с.

Страны Европы

Австрия (столица - Вена)
Албания (столица - Тирана)
Андорра (столица - Андорра-ла-Велья)
Белоруссия (столица - Минск)
Бельгия (столица - Брюссель)
Болгария (столица - София)
Босния и Герцеговина (столица - Сараево)
Ватикан (столица - Ватикан)
Венгрия (столица - Будапешт)
Великобритания (столица - Лондон)
Германия (столица - Берлин)
Греция (столица - Афины)
Дания (столица - Копенгаген)
Ирландия (столица - Дублин)
Исландия (столица - Рейкьявик)
Испания (столица - Мадрид)
Италия (столица - Рим)
Латвия (столица - Рига)
Литва (столица - Вильнюс)
Лихтенштейн (столица - Вадуц)
Люксембург (столица - Люксембург)
Македония (столица - Скопье)
Мальта (столица - Валлетта)
Молдавия (столица - Кишинев)
Монако (столица - Монако)
Нидерланды (столица - Амстердам)
Норвегия (столица - Осло)
Польша (столица - Варшава)
Португалия (столица - Лиссабон)
Румыния (столица - Бухарест)
Сан-Марино (столица - Сан-Марино)
Сербия (столица - Белград)
Словакия (столица - Братислава)
Словения (столица - Любляна)
Украина (столица - Киев)
Финляндия (столица - Хельсинки)
Франция (столица - Париж)
Черногория (столица - Подгорица)
Чехия (столица - Прага)
Хорватия (столица - Загреб)
Швейцария (столица - Берн)
Швеция (столица - Стокгольм)
Эстония (столица - Таллин)



1960 йил, 17 ноябрда Бухоро туманидаги Шехлар қишлоғида туғилган.
1968 – 1978 йиллар Бухоро туманидаги 1-сонли Пушкин номи мактабда ўқиди.
1978 – 1983 йилларда Бухоро давлат педагогика институти (ҳозирги БухДУ) нинг география-биология таълим йўналишида тахсил олиб, имтиёзли диплом билан тамомлади.
Худойназар Тошов И.Қ. Назаровнинг илмий раҳбарлигида Бухоро вилояти чўл-ййлов зонасининг маҳаллий сув ва ййлов имкониятларини ўрганди ҳамда 2008 йил 15 майда Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги Ихтисослашган кенгашида “Чўл ландшафтлари ва уларнинг агроимкониятларидан самарали фойдаланиш (Бухоро вилояти мисолида)” (11.00.01-Табиий география, ландшафтлар геофизикаси ва геохимёси) мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. 2010 – 2011 йилларда география кафедраси мудири лавозимида ишлади. У 2012 йилдан доцент илмий унвонига эга. Бухоро давлат университети Тупроқшунослик ва география кафедраси доценти, география фанлари номзоди.

Х.Тошов 2013 йил сентябрь ойида Латвия давлат университетининг “География ва Ер ҳақидаги фанлар” факультетида малака оширди.

Ҳозирги кунда университет илмий кенгаши котиби лавозимида фаолият кўрсатмоқда. 100 дан ортиқ илмий ва услубий ишлар муаллифи. Х.Тошов Ш.Зокировларнинг ҳаммуаллифликда Ландшафтшунослик ўқув қўлланмаси ва География тарихи номи монографияси чоп этилди.

Х.Тошов мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш соҳасида ёш авлодни тарбиялашда қўшган самарали меҳнати учун 1997 ва 2016 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Фахрий ёрлиғи”, Бухоро вилояти табиатини ўрганиш ва муҳофаза қилиш тadbирларида фаол иштироки учун эса 2013 йилда Ўзбекистон Республикаси Экоҳаракатининг “Фахрий ёрлиғи” билан тақдирланган.



Шаҳодат Адилевна Ачилова – 1980 йил 20 октябрда Бухоро вилояти Ромитан туманидаги Хоса қишлоғида туғилган. У 1987-1997 йилларда Ромитан туманидаги 26-мактабда тахсил олди. 2001 йилда Бухоро Давлат университетининг география таълим йўналишини мувоффақиятли тугатди.

Ш.Ачилова 2001-2008 йилларда Ромитан туманидаги 33-мактабда ўқувчиларга география фанидан дарс берди. 2008 йилдан бошлаб Ромитан Педагогика коллежида меҳнат

фаолиятини давом эттирмоқда. Унинг раҳбарлигида ўқувчилар туманда ўтказилган фан олимпиадаларида фахрли ўринларни эгаллаган. Ш.Ачилова ижодкор педагог. География таълими, ўқитиш методларига бағишланган илмий мақолалари чоп этирилган.



Элмира Валиевна Бозорова 1988 йил 1 ноябрда Ѓиждувон тумани Соктари ҚФЙ га қарашли Явожин қишлоғида туғилган. У дастлаб 1996-2004 йилларда Ѓиждувон туманидаги 40-умумий ўрта таълим мактабида тахсил олди. 2004-2007 йилларда Навоий Педагогика коллежида, 2008-2012 йилларда эса Бухоро Давлат унверситетининг “География” таълим йўналишида ўқиди.

Э.Бозорова меҳнат фаолиятини 2012 йилдан Бухоро вилоят Ѓиждувон Қурилиш ва коммунал хўжалик касб-хунар коллежида география фани ўқитувчиси лавозимида давом эттирмоқда.

Э.Бозорова кейинги йилларда ўлкашунослик мавзусида самарали ишларни амалга оширди. Жумладан, “Зарафшон дарёси тарихи” мавзусида мақола чоп этирган. У БухДУ олимлари билан илмий ҳамкорликда ишламоқда.